

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 332.1 (575.2)

ОМОННИЁЗОВ ФЕРУЗ ШАВКАТОВИЧ

**ШАХСИЙ ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИ АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МАНБАИ СИФАТИДА**

5А 230102 - ИҚТИСОДИЁТ (ТАРМОҚЛАР ВА СОҲАЛАР БЎЙИЧА)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н. доц. Мирзаев А.

Термиз – 2013

МУНДАРИЖА

Кириш	2-10
I боб. Аҳоли даромадлари моҳияти ва шаклланишининг назарий-иқтисодий жиҳатлари.	11-37
1.1. Аҳоли даромадлари турлари	11-21
1.2. Аҳолининг моддий фаровонлиги ва даромадлари даражасининг тавсифномаси.....	21-31
1.3. Оилавий тадбиркорликда томорқа хўжалигининг ўрни	31-37
I боб бўйича хулоса	38
II боб. Шахсий томорқа хўжаликларида даромадларнинг иқтисодий таҳлили	39-59
2.1. Шахсий томорқа хўжалигини ташкил этишнинг ҳуқуқий-иқтисодий жиҳатлари	39-46
2.2. Шахсий томорқа хўжаликларининг иқтисодий таҳлили	46-54
2.3. Шахсий томорқа хўжалигининг аҳоли даромадларини оширишдаги ўрни	54-59
II боб бўйича хулоса	60-61
III боб. Шахсий томорқа хўжаликларида даромадларни ошириш имкониятлари	62-78
3.1. Томорқа хўжаликларида даромадларни ошириш йўллари.	62-66
3.2. Иқтисодий самарадорликни ошириш томорқа хўжаликларида аҳоли даромадларини кўпайтиришнинг муҳим шартидир	66-75
3.3. Қишлоқ хўжалигида аҳоли даромадларини ўсишига таъсир этувчи омиллар ва муаммолар	75-82
III боб бўйича хулоса	83
Хулоса	84-87
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	88-93
Иловалар	94-100

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади демократик давлат ва фуқаролик жамиятини бозор иқтисодиётининг қонунларига амал қилган ҳолда ривожлантириш ва шу асосда халқ турмуш фаровонлигини ўстириб боришдир. Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин томорқа хўжалиги, яъни оилавий муносабатларга асосланган хўжаликнинг миллий иқтисодиётдаги иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятига давлатимиз томонидан жиддий эътибор қаратилаётганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида иқтисодиётни эркинлаштириш, ўтказилаётган бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, аҳолининг умумий бандлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш миллий иқтисодиётимиз олдида турган энг долзарб муаммолардан биридир.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик биз учун ўткир бўлиб турган аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш муаммоларини ҳал этишда ўзига хос локомотив, мамлакатимизда энг йирик меҳнат бозори, мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантиришнинг асосий омили, миллионлаб одамлар учун даромад ва фаровонлик манбаи ҳисобланади”.¹

Шу сабабли қишлоқ жойларда аҳоли даромадини оширишда томорқа хўжалигини ривожлантиришни ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий устувор йўналишларидан бири қилиб белгиланган. Яқин истиқболда томорқа хўжалиги республикамизда иқтисодиётни узлуксиз ривожлантиришнинг энг муҳим омили, тараққиёт йўлидан олға етаклайдиган етакчи куч бўлиб қолади.

¹ “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир” Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида «2007 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари» га бағишланган мажлисидаги маърузаси \ Туркистон. 2008 йил, 9-феврал. №11. 2- бет.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

“Глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012-йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади.

Бу даврда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди”²

2012 йил 1 январ ҳолатига кўра томорқа хўжалигининг мамлакатда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидаги улуши 40-50% ни ташкил этди. Шунингдек, аҳоли бандлигини оширишда ҳам унинг аҳамияти ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг қатор асарларида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш борасидаги маърузаларида томорқа хўжалигига иқтисодий фаолият юритувчи субъект сифатида эътибор қаратиб, бир хонадон доирасида битта ёки бир нечта оилалар ўзаро иқтисодий манфаатлар асосида фаолият юритишига ва бу ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг муҳим омили эканлигига алоҳида аҳамият бериш зарурлигини таъкидлаб ўтган.³

Шунинг учун томорқа хўжалиги иқтисоди ва унинг ижтимоий аҳамияти масалаларини тадқиқ этиш, баҳолаш, таҳлил қилиш ҳамда мавжуд муаммолар ечими борасида илмий-назарий хулосалар чиқариш ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

2. И.Каримов. “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги 2012-йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари» га бағишланган мажлисидаги маърузаси, Халқ сўзи 19.01.2013.

³ Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1999.-686 б.; Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. -Т.: Ўзбекистон, 2007. -320 б.; Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. -Т.: Ўзбекистон, 2002. -432 б.

Ўзбекистонда оилаларнинг 97% ўз уйига эга, 90 фоизи узоқ муддат фойдаланиладиган асосий товарлар билан таъминланган. Аҳолининг 50 фоизга яқини ўзини ўрта тоифага мансуб деб ҳисоблайди.

“2013-йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдорини ўртача 23 фоиздан кам бўлмаган даражада ошириш, 2013-йилда ва кейинги икки йилда аҳоли реал даромадларини камида 1,5 баробар кўпайтириш вазифалари қўйилмоқда.”⁴

Аҳоли даромадининг томорқа хўжалигининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқлиги сабабли, мазкур хўжаликка даромад олувчи ва ҳаражат қилувчи гуруҳ сифатида қараш, унинг ҳисобини юритишни такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Шунинг назарда тутиб, Президентимиз И.Каримов «...аҳолининг кўпчилиги қишлоқ жойларда яшайди, томорқа хўжалигидан даромад олади, бироқ бу даромадни ҳолисона ҳисобга олиш қийин»⁵ лигини ва «...ҳали уй-рўзғор хўжаликларини ўрганишнинг барча даромад манбаларини ҳисобга оладиган механизми ишлаб чиқилмаган»⁶ лигини алоҳида қайд этган. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, томорқа хўжалигини иқтисодий категория сифатида янгича ёндашув асосида тадқиқ этиш, унга ишлаб чиқарувчи сифатида аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг бош омили ресурсларни (ишчи кучи, пул маблағлари) етказиб берувчи сифатида тегишли бозорлар (меҳнат ва молия бозори) субъекти ва истеъмолчи сифатида пировард товар (хизмат)лардан фойдаланувчи деб қараш танланган мавзу доирасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун асос яратади ҳамда тадқиқот мавзуси долзарблигини кўрсатади.

⁴И.Каримов. “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги 2012-йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари» га бағишланган мажлисидаги маърузаси, Халқ сўзи 19.01.2013

⁵ Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1999.-686 б.;

⁶ Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б. 295.

Аҳоли даромадларини шакллантиришда томорқа хўжалиги ва қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) ни тараққий эттириш ва уни қўллаб-қувватлашдаги давлатнинг одилона иқтисодий сиёсати туфайли мамлакатимизда қулай макроиқтисодий муҳит яратилди. Жумладан, томорқа хўжалиги негизида хусусий мулк ва тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги қонунчилик мустаҳкамланди, бизнесни рўйхатга олиш, ихтиёрий равишда ёпиш ва тугатиш, айрим фаолият турлари бўйича лицензия ва рухсатномаларни бериш жараёнлари соддалаштирилди, давлатнинг бизнес фаолиятига аралашуви чекланди, тадбиркорлик субъектлари топширадиган ҳисоботларнинг барча шакллари ва муддатлари кескин қисқартирилди, солиқ ставкалари унификация қилинди, талаб юқори бўлган моддий-техник ресурслардан кенг фойдаланишга имкон берадиган барқарор бозор механизми шаклланди.

Аммо, давлатимизнинг иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш, аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини ошириш сиёсати амалга оширилаётган бугунги кунда мамлакатимизда оилавий бизнеснинг тизим сифатида шаклланиши ва ривожланиши тенденцияларини ишлаб чиқиш, ундаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, шахсий томорқа хўжаликларида аҳоли даромадларини ошириш бўйича илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш республикамиз иқтисодиёти олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Юқоридаги кўп қиррали муаммоларни ечишнинг зарурлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда, МДХ ва бошқа хорижий мамлакатларнинг иқтисодий адабиётларида оила даромадини томорқа хўжалиги асосида шакллантириш, оилавий бизнесни ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатларига бағишланган ишлар кенг ўрин олган. Хорижлик ва МДХ олимларидан ишлаб чиқариш жараёнлари, жумладан, хонадон хўжалиги, уй хўжалиги билан боғлиқ

масалалар – К.Р.Макконнел, С.Р.Брю, Ж.Кейнс, Дж.Р.Хикс, П.Хейне, П.Т.Самуэльсон, В.Жеребин, А.Романов ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритилган.⁷ Аммо мазкур ишларнинг асосий қисми ўқув адабиёти тавсифига эга ёки улардаги асосий хулоса ва таклифлар ривож топган бозори тизими шароитига тааллуқли бўлиб, тоталитар тузумдан бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг ўзига хослиги, ресурсларни ишчи кучи, пул маблағлари) етказиб берувчи тегишли бозорлар (меҳнат ва молия бозори) субъекти ва истеъмолчи сифатида пировард товар (хизмат)лардан фойдаланувчи хусусиятлари ҳисобга олинмаган.

Республикаimizдаги хонадон (томорқа) хўжалиги муаммолари БМТ тараққиёт дастури ва унинг Ўзбекистондаги агентликлари ҳамда Иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан ҳам ўрганилмоқда. Бироқ мазкур ишларда томорқа хўжалиги алоҳида ижтимоий-иқтисодий категория сифатида атрофлича қараб чиқилмаган ёки муаммонинг айрим амалий жиҳатларига эътибор қаратилган. Шу сабабли Ўзбекистонда томорқа хўжалигининг илмий-назарий асосларини ўрганадиган ва бу жараённинг “Ўзбек модели” га хос хусусиятларини ҳамда уни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий омилларини илмий жиҳатдан исботлайдиган тадқиқотларга эҳтиёж туғилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимиз олимлари томонидан республикаimizда оилавий бизнес, шахсий томорқа хўжаликларида тадбиркорликни ривожлантиришга бағишланиб олиб борилаётган тадқиқотлар етарли эмас.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш даврида оила иқтисодиёти, уй хўжалиги ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари А.Ўлмасов, А.Ваҳобов, Х.Аллоқулов, Р.Каримов, А.Қодиров, М.Расулов, Д.Эгамов, Р.Хасанов,

⁷ Кэмпбелл Р. Макконнел, Стенли Р. Брю. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. Таллин.: А.О. “Римол”, 1993. -800 с.; Кейнс Дж. М. Избранные произведения. Пер. с англ. – М.: Экономика, 1993. -293 с.; Хикс Дж.Р. Стоимость и капитал. -М.: Изд. Группа “Прогресс”, “Университет”, 1993. -289 с.; Хейне П. Экономический обзор мышления. Пер. с англ. –М.: 1997. -440 с.; Самуэльсон П.Т. Экономика1,2. -М.: “Алгон”, 1992. -704 с.; Жеребин В.М., Романов А.Н. Уровень жизни населения./ М.: ЮНИТИ. 2002 г. 591-с.

Г.Шодиева, М.Пардаев, А.Абдуғаниев, Х.Ахмаджонов, С.Аъзамов, С.Худойқулов, А.Хайитовларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.⁸

Мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда томорқа хўжалиги иқтисодиётини тизимли таҳлил этиш, оилавий бизнесни ривожлантиришни ўрганиш ҳозирги вақтда ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади томорқа хўжаликлари асосида аҳоли даромадларини шаклланишини таҳлил қилиш ва иқтисодий самарадорликни ошириш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- аҳоли даромадларини турларга ажратиш;
- аҳолининг моддий фаровонлиги ва даромадлари даражасининг тавсифномасини ўрганиш;
- оилавий тадбиркорликда томорқа хўжалигининг ўрнини аниқлаш;
- шахсий томорқа хўжалигини ташкил этишнинг ҳуқуқий-иқтисодий жиҳатларини ёритиш;
- шахсий томорқа хўжаликларини фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш;
- шахсий томорқа хўжалигининг аҳоли даромадларини оширишдаги аҳамиятини ўрганиш;
- томорқа хўжаликларида даромадларни ошириш йўллари кўриб чиқиш;

⁸ Ўлмасов А. Оила иқтисоди. -Т.: Меҳнат, 1991. -225 б.; Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: Шарқ, 2006. -480 б.; Шодиева Г.М. Оила хўжалиги фаровонлигини оширишда ташкилий-иқтисодий омилларни ва сервисни ривожлантириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Самарканд: 2008. -46 б.; Аъзамов С.М. Оилани ижтимоий ҳимоялашнинг самарали механизмини шакллантириш(Андижон вилояти мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: 2006. -23 б.; Эгамов Д.Н. Бозор иқтисодиёти шароитида Қашқадарё вилоятида оиланинг социал-демографик ривожланиш хусусиятлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2006. -22 б.; Ахмаджонов Х.И. Ўзбекистон хонадонлари молия ресурсларини шаклланиши ва ишлатилиши. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Т.: БМА, 2006. -26 б.; Хасанов Р.Р. Шаклланаётган бозор муносабатлари тизимида даромадлар ва уларнинг табақаланиши. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Тошкент: ДЖҚА, 2005. -46 б. ва ҳ.к. Аҳмедов Ф.А. Бозор муносабатлари шароитида хонадон хўжалигини ривожлантиришнинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.:2012.-28 б.

- томорқа хўжаликларида иқтисодий самарадорликни ошириш аҳамиятини кўрсатиш;

- қишлоқ хўжалигида аҳоли даромадларини ўсишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

-томорқа хўжалигининг аҳоли даромадларини шакллантиришдаги аҳамиятини ошириш бўйича хулоса ва таклифлар бериш.

Тадқиқот объекти бўлиб Сурхондарё вилояти Қизирик туманидаги Гулобод маҳалласи аҳоли томорқа хўжалиги субъектлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети - Сурхондарё вилоятидаги томорқа хўжалиги субъектларида аҳоли даромадлари, уларнинг шаклланиши ва ривожланиш тенденциялари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асосларини Ўзбекистон Республикасининг оилавий бизнес, тадбиркорликни ривожлантиришга оид Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иқтисодиётни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш бўйича фундаментал асарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, чет эллик ва республикаимиз етакчи олимларининг ушбу мавзуга оид илмий-тадқиқот ишлари ташкил этади.

Тадқиқот ишининг ахборот базасини Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Сурхондарё вилоят иқтисодиёт бошқармаси, вилоят статистика бошқармаси, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, Қизирик тумани Гулобод маҳалласи томорқа хўжаликлари маълумотлари, шунингдек, бошқа бошқармалар ва идоралар материаллари ҳамда статистик маълумотлар ташкил этди.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида иқтисодий воқелик ва жараёнларни билишнинг турли илмий усуллари: иқтисодий тизимларни ўрганишга нисбатан диалектик ёндошув, абстракт-мантиқий фикрлаш,

таҳлил ва синтез, комплекс ёндошув, қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, статистик усуллари қўлланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- ишда томорқа хўжалигининг иқтисодий мазмуни илмий тадқиқ этилди ва унинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини аниқлаш орқали аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш ҳамда турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди;

- томорқа хўжалиги пировард-натижалар истеъмолчиси, ресурсларни етказиб берувчи ва иқтисодиётнинг ишлаб чиқарувчи субъекти сифатида яхлит назарий тадқиқ қилинди ҳамда унинг ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий ўлчамлари илмий-услубий жиҳатдан асосланди;

– бозор муносабатлари шароитида оила хўжалиги даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий омиллари сифатида мулк ва оила аъзолари меҳнати ҳисобига олинadиган даромад турлари асосланди ҳамда уларга таъсир қилувчи омиллар аниқланди;

- томорқа хўжалиги барқарорлиги ва аъзоларининг турмуш фаровонлигини оширишда деҳқон ва фермер хўжаликлари, касаначилик, хунармандчилик каби ишлаб чиқариш турларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари аниқланди ҳамда уларнинг бошқа хўжалик юритиш шакллари билан кооперциялашувининг асосий тамойиллари белгиланди;

-аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини оширишда томорқа хўжаликларини аҳамиятини кўрсатувчи, томорқа хўжаликларининг самарадорлигини оширувчи муҳим таклиф ва хулосалар берилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертация ишида томорқа хўжалиги субъектларини ривожлантириш тенденцияларини ишлаб чиқиш, назарий, услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш асосида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик илмий муаммолар, хулосалар ва тавсиялар таклиф этилган. Жумладан:

- томорқа хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий мазмунини тадқиқ этиш

орқали иқтисодий категория сифатида таърифи берилди ҳамда унинг ресурсларни етказиб берувчи ва ишлаб чиқариш субъекти сифатидаги тавсифи асосланди;

-томорқа хўжалигини ресурсларни етказиб берувчи ва ишлаб чиқарувчи сифатида ривожлантириш иқтисодиётни юксалтиришнинг иқтисодий таянчи ва аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омили эканлиги кўрсатиб ўтилди;

-мустақилликдан кейинги йилларда оилавий бизнеснинг ривожланишининг назарий-услубий жиҳатлари ўрганиб чиқилди;

-томорқа хўжалиги субъектларида даромадларни шакллантиришнинг илмий-амалий жиҳатлари кўрсатиб берилди

-томорқа хўжалиги аъзоларида янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришнинг бозор иқтисодиёти субъекти сифатида ролини оширишдаги аҳамияти кўрсатилди;

- томорқа хўжалигини ривожлантириш ҳамда аҳоли даромадларини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацион изланишда эришилган илмий натижалар республикамиз ва минтақалар иқтисодиётида томорқа хўжалигини ривожланиш тенденцияларини ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган.

Мазкур ишда таклиф этилган услублар, унинг натижалари тегишли бошқармалар, ташкилотлар, минтақавий ва маҳаллий маъмурият органлари фаолиятида турли йўналишларда фойдаланилиши мумкин. Диссертация ишида келтирилган хулоса ва таклифлардан таълим тизимида иқтисодий фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ишининг ҳажми 100 бетдан иборат бўлиб, унда 7 та жадвал, 4 та расм, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар келтирилган.

I БОБ. Аҳоли даромадлари моҳияти ва шаклланишининг назарий-иқтисодий жиҳатлари.

1.1 Аҳоли даромадлари турлари.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар ялпи ички маҳсулот бўлиб, у пул шаклида бутун жамиятнинг даромади ҳисобланади. У тақсимланганда барча иқтисодиёт иштирокчиларининг даромадлари ҳосил бўлади.

Аҳоли даромади иқтисодиёт иштирокчисининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши бўлиб, бу уларга ишлаб топганига қараб пул шаклида тегади. Даромад пул тушуми ва натурал шаклга эга бўлади. Аҳолига теккан даромад унинг ихтиёрига келган турли пул тушуми (иш ҳақи, фойда, нафақа, пенсия, стипендия, ижара пули, дивиденд, заём ютуғи, томорқадан келган пул кабилар) дан иборат бўлади. Фирма даромади товарларининг сотилиши натижасида унга келган пул тушумидир. Унинг бир қисми харажатларни қопласа, қолган қисми фойдадан иборат бўлади. Давлат даромади — бу давлат бюджетига корхона (фирма), ташкилотлар, аҳоли ва чет элдан келган пул тушумидир. Даромадлар таркибида аҳоли даромадлари асосийдир, чунки улар турмуш фаровонлигини белгилайди, улар ҳиссасига ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисми тўғри келади. Асосан даромадлар тақсимот қонунига биноан шаклланади.

“Мамлакатимизда аҳоли даромадларининг ошиб бориши билан унинг таркиби ўзгариб, тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад барқарор ўсиб бораётганлиги алоҳида эътиборга моликдир. Ўтган 2012-йилда ушбу кўрсаткич 51 фоизни ташкил қилди, бошқача айтганда одамларимиз даромадининг ярмидан кўпи биринчи навбатда тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнес ҳисобидан шаклланмоқда”.⁹

⁹ И.Каримов. “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги 2012-йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари» га бағишланган мажлисидаги маърузаси, Халқ сўзи 19-январь.

Тақсимотнинг бозор усулига кўра, ҳар бир кишининг даромади унинг товарлар ва хизматлар яратишга қўшган ҳиссасига тенг бўлади. Бундай даромад бозор даромади деб юритилади. Аммо тақсимотдаги инсонпарварлик тамойилидан келиб чиқадиган нобозор даромади ҳам бўлиб, у ишлаб топилмай, балки ёрдам шаклида муҳтожларга берилади. Бу тамойил, биринчидан, иқтисодий имкониятларни, иккинчидан, ночор аҳолининг муҳтожлигини ҳисобга олади. Муҳтожлар ишламаса ёки кам ишласаларда, давлат, жамоат ташкилотлари ва фирмалар томонидан берилган нафақага эга бўладилар.

Бозор иқтисодиёти даромадларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Улар уч гуруҳга бўлинади:

- а) меҳнатдан келган даромад;
- б) тадбиркорликдан келган даромад;
- в) мулкдан келган даромад.

Меҳнатдан келган даромад — бу ёлланиб ишловчи кишиларнинг даромади бўлиб, иш ҳақи ва турли фойдадан ажратиладиган мукофотлардан иборат бўлади.

Даромадлар таркиби қуйидагилардан иборат:

Иш ҳақи — бу кўпчилик аҳолининг асосий даромади. Ривожланган мамлакатда жами даромадларнинг 60-70 фоизини иш ҳақи ташкил этади. Иш ҳақи — ёлланиб ишловчиларнинг ишлаб топган даромади, тирикчилик воситаларини (маҳсулот ва хизматларни) ҳарид этиш ва пул жамғармасини ҳосил этиш учун ишлатилади. Иш ҳақи уч қисмдан: асосий иш ҳақи, мукофот тарзидаги (бонус) иш ҳақи ва белгиланган иш вақтидан ортиқча ишлаганлик учун бериладиган пул тўловидан ташкил топади. Ишловчининг кўлига тегишига караб умумий иш ҳақи ва соф иш ҳақи бўлади. Умумий иш ҳақини ялпи, ишловчи ҳисобига ёзилган иш ҳақи деса ҳам бўлади. Соф иш ҳақи ялпи иш ҳақидан ҳар хил тўловлар (солиқлар, бадал пули ва х.к.) чегириб ташлангандан сўнг қоладиган иш ҳақи, яъни ишловчининг ҳамёнига келиб тушадиган иш ҳақидир.

Иш ҳақининг миқдори ўзгарувчан. Бу ўзгариш асосан уч омил таъсирида юз беради:

а) Иш кучига талаб ва унинг таклифи. Меҳнатга талаб ошганда иш ҳақи кўпаяди, меҳнат таклифи ошганда эса иш ҳақи камаяди. Меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф тенглашган тақдирда иш ҳақи бир меъёردа сакланади.

б) Меҳнат унумдорлиги. Иш билан бандлик шароитида иш ҳақи меҳнат унумдорлиги ошса кўпаяди, у пасайса, аксинча, камаяди.

в) Бозор учун ишлай билиш. Иш ҳақи умуман ишлаганлик учун эмас, балки бозор талабига мос равишда бажарилган меҳнат учун берилади. Товарлар бозорбоп бўлиб, яхши сотилса, иш ҳақи кўпаяди, улар бозорда ўтмай қолса иш ҳақи камаяди ёки уни тўлаш имкони бўлмайди.

Тадбиркорлик даромади фойда шаклига киради. Фойда тадбиркорларнинг пул сарфлаб таваккалига иш қилиб, хавф-хатарни зиммасига олгани учун уларга тегадиган пул даромади ҳисобланади. Табиатан фойда кафолатланмаган даромад бўлиб, тез-тез ўзгариб туради. Аҳоли даромадлари таркибида фойданинг ҳиссаси катта бўлмайди, чунки тадбиркорлик билан ғоят озчилик шуғулланади. Масалан, АКШда фойданинг аҳоли даромадларидаги ҳиссаси тахминан 15—18 фоизни ташкил этади.

Фойданинг асосий қисмини тадбиркорлар олади, лекин унинг бир қисми фойдани ўзлаштиришдаги ишчи ва хизматчилар иштироки сифатида уларга мукофот (бонус) тарзида берилади. Мукофотнинг миқдори фойдани яратишда ходимларнинг иштирок этишига боғлиқ бўлади. Шу сабабли менежерлар, айниқса олий тоифадаги менежерлар (топ менежерлар) фойдадан катта мукофот оладилар.

Мукофот уларнинг маошига қўшилиб умумий даромадини шакллантиради.

Мулкдан келган даромад дивиденд, фоиз ва ижара ҳақидан иборат бўлади. Дивиденд фойданинг таксимланиши натижасида юзага келади. Бунда

акционер корхонадаги фойданинг бир қисми акция эгаларига дивиденд сифатида берилади ва улар даромадига айланади.

Акция келтирадиган дивидендни унинг эгаси булган кичик акциядорлар, яъни оддий ишчи ва хизматчилар ҳам олади. Агар акциядорлар қанчалик кўп бўлса ва акционер корхоналар қанчалик юқори рентабелли бўлса, шунчалик дивиденд ҳам кўп бўлади. Масалан, 2000 йил АКШ аҳолисининг деярли 40 фоизи акциядор бўлиб, бундан талайгина даромад топган.

Фоиз — пул эгаси ўз пулини ўзгаларга қарзга бергани учун оладиган даромади. Фоиз қарзга берилган пул суммасига нисбатан улуш даражасида белгиланади. Масалан, фоиз қарз пулига нисбатан юздан ўн ҳисса (10%) бўлса, унинг эгаси ҳар бир сум пули учун 10 тийин олади, агар юздан ўн беш ҳисса (15%) бўлса, 15 тийин олади. Фоизнинг ялпи миқдори, биринчидан, унинг даражасига, иккинчидан, қарзга берилган пул миқдорига боғлиқ. Фо-изнинг даромадлардаги ҳиссаси ортиб боради, чунки аҳоли пулининг бир қисми ҳаражатлардан ортиб қолиб, даромад кўриш учун банкка қўйилади. XX аср мобайнида АКШда фоизнинг аҳоли ялпи даромадидаги ҳиссаси 2 марта ошганлиги маълум.

Ижара ҳақи — кўчмас мулк эгаларининг уз мулкани муқобил ишлатишдан олган даромади. Ер, иморат, иншоот, квартира, уй ва бошқалар ижарага берилиб, ундан даромад кўрилади. Улар муқобил ишлатилганда ортиқча даромад топилади. Масалан, уйни ижарага бериб, ҳар ойда 20000 сум даромад кўрилади. Уйга талабгорлар кўпайганда уни янгидан 22000 сумга ижарага берилади. Олдинги ва кейинги пул тушуми орасидаги фарқ $22000 - 20000 = 2000$ бўлади. Кўчмас мулк эгалари кўпайган сари ижара ҳақи суммаси ҳам ортиб боради.

Ижара ҳақи даромад сифатида 2 қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисми мулк эгаси уни сақлаш ва сифатини ошириш учун (масалан, ерга сув чиқариш, унинг захини қочириш, уйни таъмирлаш ва суғурталаш учун) килинган сарфни коплайди. Қолган қисми эса мулк эгасига соф даромад бўлиб тегади.

Пенсия даромаднинг махсус тури бўлиб, уни қариллик ёки ногиронлик туфайли ишга ярамай қолганларга давлат ва фирма ёки нодавлат ташкилот томонидан тўланади. Қариллик пенсияси ишлаб топилган, лекин берилиши кечиктирилган даромадга киради. Ҳар бир киши ишлаган кезларида топган пулининг бир қисmini пенсия жамғармасига ўтказиб боради, бу пул ходим пенсияга чиққач унга маълум меъёردа қайтарилади. Ногиронлик пенсияси ишлаб топилган пул бўлмай, ўзини-ўзи боқа олмайдиган кишиларни моддий таъминлаб туриш учун ажратилган пулдир.

Пенсиянинг даромадлардаги салмоғи аҳоли таркибидаги қарияларнинг сонига боғлиқ, аҳоли таркибида қариялар сони қанчалик кўп бўлса, пенсиянинг даромадлардаги салмоғи шунчалик катта бўлади.

Нафақа даромаднинг махсус тури бўлиб, ижтимоий ёрдамга муҳтожларга, одатда, камбағалларга бир йўла ёки муқим равишда давлат, фирмалар ёки хайрия ташкилотлари берадиган пулдан иборатдир. Нафақанинг миқдори моддий имкониятларга боғлиқ, Жамият қанчалик бой бўлса, шунчалик нафақа пули ҳам кўп бўлади.

Стипендия даромад тури бўлиб, ундан талабалар фойдаланади, амалда бу ёрдам пули бўлиб, уларнинг келажакда наф келтириши эътиборга олиб берилади. Стипендияни давлат ёки фирмалар тўлайди. Барча даромад турлари ялпи даромадни ҳосил этади (1.1.1-расм).



1.1.1-расм. Даромад шакллари.¹⁰

¹⁰ Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: Шарқ, 2006.

Бозор иктисодиётига даромадларнинг тенгсизлиги, уларнинг фаркланиши хосдир. Даромадлардаги тенгсизлик кишилар ишлаб топган пул миқдорида катта фарқлар бўлишини билдиради. Тенгсизликни асосан тўрт омил юзага чиқаради:

1) Кишиларнинг туғма қобилиятлари, куч-қуввати, ақл-идроки, салоҳият ва заковати, ҳуллас, иш қобилияти бир хил эмас. Шу сабабли улар ҳар хил даромад кўрадилар. Масалан, АКШ да Голливуднинг кино юлдузи бир йилда 20 миллион доллар топса, малакали шифокор 80 минг доллар, ўқитувчи 40 минг доллар, қишлоқдаги мавсумий ва келгинди ишчи эса 15 минг доллар даромад топади.

2) Даромаддаги тенгсизлик ишлаб пул топиш имкониятларига боғлиқ. Билим олиш, касб эгаллаш, малакани ошириш имкониятлари бўлган ва иш топиладиган жойда даромад кўп бўлса, бундай шароитлар йўқ жойда даромад оз бўлади. Ишлаб турган киши билан ишсизнинг, гарчи қобилияти бир хил бўлсада, даромади турлича бўлади. Масалан, АКШда ишлайдиган ишчи бир ойда шрточа 3200 доллар иш ҳақи олса, ишсизга 600 доллар ишсизлик нафақаси берилади.

3) Тенгсизликни оила таркибининг ҳар хил бўлиши ҳам юзага келтиради. Агар оила таркибида пултопарлар кўп бўлиб, боқимандалар оз бўлса, унинг жами даромади кўп бўлади. Аксинча бўлса даромад оз бўлади.

4) Даромадлардаги фарқни иқтисодий вазият ҳам юзага келтиради. Бозорда кутилмаганда нарх ошиб кетса, яъни тадбиркорларга омад кулиб боқса, катта даромад келади. Борди-ю, нарх тасодифан пасайиб кетса, кутилган даромад ҳам олинмайди. Демак, даромадлардаги фарқни бозор ҳолатидаги ўзгаришлар ҳам юзага келтиради.

Бозор қонунларига мос равишда жамият қабул қилган ва қонуний рухсат берилган усуллар билан топилган даромадлардаги фарқлар адолатли тенгсизлик ҳисобланади, ғайриқонуний, яъни ман этилган усуллар билан топилган даромадлардаги фарқлар эса адолатсиз тенгсизликни вужудга

келтиради. Адолатсиз тенгсизлик яширин (ман этилган) иктисодий фаолият бор жойда юзага келади. Масалан, рекет ёки наркобизнесдан мўмай пул топиш даромадларни кескин фарқлантиради.

Даромадлардаги адолатли тенгсизлик табиий бир ҳол бўлиб, даромади озларни яхши ишлаб пул топишга ундайди. Даромадлардаги фарқлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад суммасига қараб аниқланади. Бунинг учун оила кўрган ялпи даромадни унинг аъзолари сонига бўлинади. Даромаддаги тафовутлар даражаси таҳлил этилганда 10 фоиз бой оиланинг даромади билан 10 фоиз камбағал оилалар даромади таққосланади. Натижада бойлар ва камбағаллар даромади неча қарра фарқланиши аниқланади.



1.1.2-расм. Даромаднинг фарқланиши.¹¹

Даромадларнинг нотекис тақсимланиши Лоренц эгри чизигида тасвирланади (1.1.2-расм). Агар даромадлар тенг тақсимланиб, ҳамма бир хил даромад олганда тенглик чизиғи АЕ ҳосил бўлар эди, чунки, масалан, 10 фоиз оила 10 фоиз даромад олган бўлар эди. Даромад нотекис тақсимлангани учун ойсимон чизиқ ҳосил бўлган. Бунда, масалан, 10 фоиз оила 25 фоиз даромад олган.

¹¹ Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: Шарқ, 2006.

Аҳолининг иқтисодий фаровонлиги улар олаётган даромадлар даражасига ҳам боғлиқ. Бўларга иш ҳақи, фоизлар, фойда, дивидендлар ва давлат томонидан бериладиган бошқа ижтимоий трансфертлар (давлат пенсиялари, турли нафакалар, стипендиялар, ҳар хил пул ва натурал кўринишдаги ёрдамлар) киради.

Хонадонда иқтисодий фаровонликни номинал даромад эмас, балки реал даромад акс эттиради. У хонадон аъзоларининг кўлига теккан даромадлари

ва пул бирлигининг харид қобилиятига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Унинг даражаси даромадлар индексининг нархлар индексига нисбати орқали аниқланади.

Реал даромад нафақат аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларининг қондирилиши, шунингдек, турмуш даражасини белгиловчи кўрсаткич ҳисобланади. Хонадонларнинг турмуш даражаси квинтелларга биноан фарқланади. Бу

фарқлар хонадон аъзоларининг пул топиш қобилияти ҳар хил бўлиши, умумий ишловчиларга тўғри келадиган боқимандалар сони, хонадоннинг

жамғармалари миқдори билан белгиланади.

Аҳоли жон бошига ҳисобланадиган реал даромаднинг миқдorigа қараб 5 та квинтел (гурух) ларга ажралади. Аҳоли даромадларининг фарқланиши даромадларнинг дифференциацияси деб юритилади. Аҳолини, шу жумладан, хонадонларни квинтел гурухларга бўлиб ўрганишнинг асосий мақсади шундан иборат бўлиши керакки, бунда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати аҳолининг кам таъминланган қисмини ҳимоя қилиш, ўта камбағаллашувига йўл қўймаслик, бой ва кам таъминланган қатламлар ўртасида квинтеллар ифодаладиган фарқларнинг катталашиб кетмаслигига қаратилиши зарур.

Хонадон ҳўжалиги миллий иқтисодиётда даромад олувчи ва ҳаражат қилувчи гурух сифатида чиқади.

Умуман даромадларнинг тақсимланиши икки даражада амалга ошади:


1. Даромаднинг умумий ижтимоий тақсимооти. Бу жамиятнинг пул даромадлари иш ҳақи, фойда, фоизлар, оилавий тадбиркорлик ва шахсий

томорқа хўжалигидан олинадиган даромадлар, ижтимоий трансфертлар ва бошқа шу кабилардан таркиб топишида кўринади.

2. Шахсий тақсимот, яъни бунда жамиятнинг ялпи даромади алоҳида хонадон хўжаликлари ҳисобига тақсимланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳам аҳоли реал даромадларида натурал даромадлар ўз ўрнига эга бўлиб қолади. Натурал даромадлар, биринчи навбатда, хонадон истеъмоли учун ишлатилса, уларнинг истеъмолдан ортиқча қисми бозорга чиқарилиб, хонадоннинг реал даромадларига бевосита таъсир қилади.

Хонадон хўжалиги ҳаражат қилувчи субъект сифатида ўз даромадларининг маълум бир қисмини давлатга солиқ тўловлари сифатида беради, қолган қисмини эса ўз хонадон аъзоларининг шахсий истеъмолига сарфлайди ва ундан ортиқчасини шахсий жамғармага йўналтиради. Бунда ҳар қандай сарф-ҳаражат хонадон эҳтиёжлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади ҳамда бюджетдаги ҳаражат ва даромад нисбати ҳисобга олинади. Хонадон хўжалиги иқтисодиётини йўлга қўйишда иқтисодий билимларни пухта эгаллаш ва режали ҳисоб-китоб юритишда тадбиркорлик заковатига эга бўлиш хонадоннинг нафақат иқтисодий, балки, ижтимоий асосларини ҳам мустаҳкамлайди.



1.1.3-расм. Ҳозирги замон иқтисодиёт назариясида оила бюджетининг харажат таркиби¹²

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хонадон хўжалиги иқтисодиётини мустаҳкамлаш, оилавий тадбиркорлик, юридик мақомга эга бўлмаган деҳқон хўжалиги ва оила аъзоларининг ишдан бўш вақтида қўшимча маҳсулот етиштириб даромад олиш манбаига айланган томорқа хўжалигини ривожлантиришда ҳамда бу соҳаларни қўллаб-қувватлашга устуворлик бериб келинди.

Бандлик ва меҳнат бозори муаммоларининг ҳал қилиниши бўйича мамлакатимиз Президенти томонидан бир қатор қарорлар қабул қилиниб уларда касаначилик орқали корхоналар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ишсизларни ишга жалб этиш, корхоналардан касаначиларга ижарага берилган асосий воситаларга солиқ олмаслик ҳамда уларга тўланган иш ҳақи миқдорида ижтимоий тўловларда имтиёзлар бериш кабилар кўзда тутилган.

Шуни айтиш керакки, бу қарор, биринчидан, кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш борасида янги имкониятлар туғдирмоқда. Иккинчидан, хонадонлардаги ортиқча ишчи кучини меҳнат билан банд қилиш ва улар учун барча ишчи-хизматчилар қатори меҳнат дафтарчаси очиш, пенсия дафтарчасига эга бўлиш,

¹² Кэмпбелл Р. Макконнел, Стенли Р. Брю. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. - Таллин.: А.О.Римол, 1993. -

пенсия бадалларини жамғариб бориш каби қонуний ҳуқуқлардан фойдаланишга кенг йул очиб бермоқда.

Республикамиз аҳолисининг бандлиги ва даромадларнинг барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этиш мақсадида касаначиликнинг турли шакллари ривожлантиришга, хусусан, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтиришга катта аҳамият берилмоқда. Касаначилик аҳолининг меҳнат билан бандлигини ва оила даромадларини ошириш билан бирга, ўз рўзғор ишларида фарзанд тарбияси билан шуғулланаётган ишга лаёқатли хотин-қизларни ишлаб чиқаришга жалб этишга имкон яратади. Қонунчиликда касаначилик меҳнати билан шуғулланаётганлар учун иш стажининг ҳисобланиши, улар қариганда нафақа ва ижтимоий суғурталар, меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқини таъминлайди.

Касаначилик иқтисодиётда паст рентабелли ва қанча меҳнат сарфи талаб қиладиган маҳсулотларнинг айрим турларини уй шароитида ишлаб чиқаришини ўзлаштириш имкониятини яратадики, бу, ўз навбатида, йирик корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишга имкон беради.

1.2 Аҳолининг моддий фаровонлиги ва даромадлари даражасининг тавсифномаси.

Уй хўжалиги иқтисодиётда икки ёқлама роль ўйнайди. Улар бир томондан ишлаб чиқаришда барча иқтисодий ресурсларнинг асосий қўювчиси бўлса, иккинчи томондан сарф-харажат қилгувчи ҳамдир. Шунинг учун уй хўжалигига, биринчидан, даромад олувчи сифатида, иккинчидан сарф-харажат қилувчи гуруҳ сифатида қараймиз.

Иқтисодиётда даромадни тақсимлаш муаммоси бўйича иккита ўзаро бир-бирига боғлиқ ёндашиш мавжуд:

- 1) Даромаднинг функционал тақсимланиши. Бу усул жамиятда пул даромадининг меҳнат ҳақи, рента, фоиз, фойдага бўлиниши билан боғлиқ


бўлади. Бу ерда жами даромад даромадни олувчининг бажарган функциясига мос ҳолда тақсимланади. Меҳнат ҳақи рента ва фоиз – кимнингдир мулки бўлган ресурсга фойда учун корхона ёки корпорация эгаси ҳисобига тушади.

- 2) Даромаднинг шахслар бўйича тақсимланиши. Бу усул жами даромаднинг алоҳида уй хўжаликлари ўртасида тақсимланиши билан боғлиқ.

Функционал ва шахслар бўйича даромаднинг тақсимланиши иқтисодийнинг энг муҳим белгиларидан ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида жами даромаднинг асосий қисми капиталга эмас, меҳнатга тўғри келади.

Уй хўжалиги сарф-харажат қилувчи сифатида олган даромаднинг бир қисмини давлатга солиқ сифатида тўлайди, қолгани шахсий истеъмол ва шахсий жамғармага айланади.



1.2.1-расм. Аҳоли даромадлари фарқларининг ўзгариши¹³

Иқтисодчилар жамғармани солиқ тўловидан кейинги даромаднинг истеъмол қилинмаган қисми деб тушунадилар. Уй хўжалиги ўз

¹³ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан қайта ишланган.

даромадини солиқдан қолгми қисмини истеъмолга сарфлаши ёки жамғариши мумкин.

Ҳозир биз жамғармани солиқ тўловидан кейинги даромад сифатида қараб чиқамиз. Жамғарма – жорий даромаднинг маълум бир қисми ҳисобланиб, ундан солиқ олинмайди ва истеъмол буюмлари учун сарфланмайди.

Уй хўжалиги нима учун жамғарма қилишга интилади? Жамғарма бу пировардида истеъмолчининг хоҳишини қондирадиган товар ва хизмат ҳисобланади.

Аҳолининг турмуш даражаси кўп жиҳатдан уй хўжаликларининг жамғарилган активлари ва оилаларнинг жорий даромадларига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон учун оилаларнинг 98 фоизи жорий моддий ҳолатидан қатъий назар, ўзларининг хусусий мулкида шахсий турар-жойларига эга. Оилаларнинг катта қисми, жумладан, қишлоқ жойларида жойлашган кам таъминланган аҳолининг катта қисми эса – 96,7 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ёки кичик тадбиркорлик фаолиятини юритиш мумкин бўлган, мерос қилиб қолдириладиган томорқа ерларига эга.

Уй хўжаликлари активлари таркибининг 80% ини асосан хусусий мулкда бўлган шахсий турар-жойлар ташкил қилади. Тадқиқотларга кўра, кейинги 2,5 йилдаги олинган баҳолашларга кўра, турар-жойларнинг бозор қиймати республика бўйича шаҳарларда 3 баробардан ортиқ, қишлоқ жойларида эса ўртача 2,5 баробарга ўсган.

Тадқиқ этилган оилалар ўртасида уй хўжаликлари ресурслари асосида оилавий бизнесни ташкил қилиш истагида бўлганлар бу ишни амалга ошириб бўлганлар сонидан камида 2 марта кўпчиликти ташкил этган. Уй хўжаликларига ўз активларини тўлиқ ишга туширишга имкон бермаётган омиллар орасида бир нечта сабабларни кўрсатиш мумкин, улардан энг муҳими иқтисодий сабаблардир. Хусусий тадбиркорлик

билан оилаларнинг фақат 25 фоизи шуғулланишини эътиборга оладиган бўлсак ҳам, шундан 20 фоизи бунинг учун керакли молиявий ресурсларга эга эмас.

Уй хўжаликлари ресурсларини сафарбар этишда, пул қўйилмаларидан ташқари инвестициялаш учун қулай шароитларни ҳам талаб қилади. Уй хўжаликлари асосида иқтисодий фаолиятдан воз кечишнинг сабаблари жумласига, шунингдек ноиқтисодий характердаги, биринчи навбатда, қонунчилик, институционал ва маъмурий омиллар ҳам киради. Қонунчилик характеридаги муаммолар шу билан асосланадики, қонунчиликда белгиланган хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқларининг кафолатлари доим ҳам уларни амалга ошириш механизмлари билан таъминланмаган.

Маъмурий тўсиқларнинг асосий манбаси қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) рухсат бериш жараёнларининг, жумладан, ер майдонларига эга бўлишни чеклашнинг қўплиги;
- 2) маъмурий қоида ва кўрсатмаларнинг тез-тез ўзгариши;
- 3) маъмурий қоида ва меъёрларни ифодалашда уларни ҳар хил талқин қилишга йўл қўювчи ноаниқликлар.

Кейинги йилларда аҳолининг жорий даромадларини ўсиши билан, оилаларнинг узок муддатларда фойдаланиладиган айрим товар турлари билан таъминланганлик даражаси ҳам ўсмоқда. Шу билан бирга, оилаларнинг узок муддатларда фойдаланиладиган айрим товар турлари билан таъминланганлик даражаси кўп жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг тегишли кўрсаткичларидан ортда қолади ва аҳолининг даромадлари ўсиши борасида катта ўсиш салоҳиятига эга ҳисобланади.

Республикада 1996 йилдан бошлаб ўртача аҳоли жон бошига тўғри келган пул даромадлари ўсишининг ижобий динамикаси вужудга кела бошлади. Кейинги йиллар давомида аҳоли реал даромадларининг ўртача ўсиши юқори фоизларни ташкил этди. Энг юқори ўсиш суръати,

даромади юқори минтақаларда – Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятида кузатилди. Мазкур минтақалар ўртасида даромадлар бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган мавжуд тафовутларининг сезиларли кучайишига таъсир кўрсатди.

2000-йилдан бошлаб ўртача иш ҳақи мамлакатда ҳар уч йилда қарийб 2,5 баравар ўсиб келмоқда. Натижада аҳолининг даромадлар структурасида иш ҳақининг улуши бир неча баробар ўсди.

Аҳолининг тадбиркорлик фаолиятдан, мулки ва мустақил равишда бандликдан олинadиган даромадлари тез суръатлар билан ўсмоқда. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари маҳсулотлари тобора кўпроқ товар характериға эға бўлмоқда. У натурал истеъмол манбасидан кўра кўпроқ аҳолининг пул даромадлари ўсиши омилиға айланмоқда. Бу эса деҳқон хўжаликлариға ажратилган ер майдонларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги ўсганлиғидан далолат беради. Улар товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва пул даромадларини шакллантиришда кенг миқёсда ва самарали фойдаланилмоқда.

Аҳоли даромадларининг ўсиши харажатлар таркибининг янада мукаммалроқ бўлишиға олиб келди. 2000-йилдан бошлаб аҳолининг харажатлар структурасида товарлар хариди учун харажатлар салмоғи камайди ва хизматлар учун ҳақ тўлашнинг салмоғи ўсди. Шу билан бир пайтда ёрдамчи хўжалик ва бизнес юритиш, кўчмас мулкларни харид қилиш ва жамғарма харажатлари ўсмоқда. Харажатларнинг товар таркибида озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш харажатлари салмоғининг камайиши билан бир вақтда, ноозиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, узок муддатларда фойдаланиладиган товарларни харид қилишға сарфланадиган харажатлар улуши ўсди.

Жадвалдан кўринадики (1.2.1-жадвал), минтақаларда аҳоли жон бошиға тўғри келадиган даромад бўйича Тошкент шаҳрида энг кўп ўсиш кузатилган (267,0% дан 339,4 % га). Бунинг сабаби Тошкент шаҳрининг

мамлакат пойтахти эканлиги, малакали ишчи кучининг кўплиги, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори даражада тараққий этганлигидадир.

Вилоятимизда эса 73,2% дан 79,9% га ўсиш кузатилган. Қорақалпоғистон Республикасида эса аксинча пасайиш кузатилган (58,9% дан 57,3% га). Шунингдек, бундай пасайишни Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд ва Фарғонада ҳам кузатиш мумкин.

2000-йилдан бошлаб ўртача иш ҳақи мамлакатда ҳар уч йилда қарийб 2,5 баравар ўсиб келмоқда. Натижада аҳолининг даромадлар структурасида иш ҳақининг улуши бир неча баробар ўсди.

Аҳолининг тадбиркорлик фаолиятдан, мулки ва мустақил равишда бандликдан олинадиган даромадлари тез суръатлар билан ўсмоқда (1.2.2.- жадвал). 2001-йилдан бошлаб деҳқон хўжаликларидаги ва тадбиркорлик фаолиятларидан олинган умумий даромадлар салмоғи 26,9 фоиздан 36,4 фоизгача ўсди. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари маҳсулотлари тобора кўпроқ товар характериға эға бўлмоқда. У натурал истеъмол манбасидан кўра кўпроқ аҳолининг пул даромадлари ўсиши омилиға айланмоқда. Бу эса деҳқон хўжаликлариға ажратилган ер майдонларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги ўсганлигидан далолат беради. Улар товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва пул даромадларини шакллантиришда кенг миқёсда ва самарали фойдаланилмоқда.

Муқобил даромад манбаси сифатида ер майдонларига эға бўлмаган аҳоли жуда заиф саналади. Бундай аҳоли пунктларида яшовчи аҳолининг ўртача даромади ва мос равишда истеъмол талаби пастлиги хизматлар соҳасининг ривожланишиға хизмат қилмайди.

Минтақаларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад (*ўртача республика даражасига нисбатан, фоизда*)¹⁴

	2008	2009	2010	2011	2012
Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100
Қорақалпоғистон Республикаси	58,9	56,6	64,2	66,0	57,3
Андижон	120,8	109,6	120,2	110,1	88,6
Бухоро	93,3	94,2	111,8	108,7	94,2
Жиззах	68,8	67,5	78,8	74,5	63,2
Қашқадарё	76,0	80,0	93,2	88,6	71,4
Навоий	92,0	129,4	170,6	162,8	142,9
Наманган	75,7	71,3	75,1	80,6	66,6
Самарқанд	70,2	72,9	83,2	79,1	65,1
Сурхондарё	73,2	72,9	90,8	89,0	79,9
Сирдарё	65,0	67,5	85,2	90,6	73,5
Тошкент	90,6	102,7	122,0	112,6	96,8
Фарғона	109,4	100,3	108,9	99,3	79,3
Хоразм	72,0	64,8	81,0	82,5	73,7
Тошкент шаҳри	267,0	267,5	364,3	412,2	339,4

¹⁴ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан қайта ишланган.

Ўртача киши бошига тўғри келадиган умумий даромад таркиби (фоизда)¹⁵

	2008	2009	2010	2011	2012
Жами	100	100	100	100	100
Ўртача киши бошига тўғри келадиган ойлик пул даромадлари	82,2	83,8	85	86,4	88,4
Иш ҳақи	29,9	28,2	29,5	29,5	30,0
Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад	10,0	12,9	15,1	15,4	19,3
Шахсий томорқа хўжаликлардан олинган даромад	16,2	17,8	17,5	17,0	15,3
Ижтимоий трансфертлар	15,3	15,5	15,8	17,3	14,8
Қариндошлардан олинган моддий ёрдам	4,4	5,2	4,2	4,1	3,2
Мулкдан олинган даромад	0,7	1,3	1,2	1,1	1,8
Кредитлар, ссудалар	2,6	1,4	0,5	0,6	0,9
Бошқа пул даромадлари	0,2	0,1	0,0	0,0	0,0
<i>Натурал шаклдаги даромадлар (сўмга айлантирганда)</i>	17,8	16,2	15	13,6	11,5
Шахсий ёрдамчи натурал истеъмол хўжаликлардан	15,0	12,7	12,8	11,8	10,8
Имтиёзлар	0,4	0,1	0,2	0,1	0,1
Натура шаклидаги бошқа даромадлар	5,3	4,7	3,2	3,0	2,7

¹⁵ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан қайта ишланган.

Мехнатга лаёқатли аҳолининг ишсизлиги билан боғлиқ камбағаллик хавфи юқори бўлган яна бир соҳа аграр сектор ҳисобланади. қишлоқ хўжалиги соҳасида бандликнинг қисқариши, асосан ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш жараёни билан изоҳланади. Хусусий фермер хўжаликларида ширкат хўжаликларига нисбатан ўртача 25 фоизга кам ишчилар банд бўлиб, қолганлар вақтинчалик ёки мавсумий ишчилар сифатида жалб этилади. Маълумотларга кўра, фақат 2004 йилда ушу демографик тенденциялар натижасида мехнатга лаёқатли аҳоли сони йилига тахминан 250 минг кишига ўсаётган бир пайтда, ширкат хўжаликларидан 460 мингга яқин ходимлар бўшатишган. Мехнатга лаёқатли аҳоли сонининг ўсиши билан биргаликда қайта структуралаш яқин йиллар ичида қишлоқ хўжалигида кам ҳақ тўланадиган ва мавсумий ишларда бандликнинг ўсишига олиб келди, бу эса қишлоқ жойларида аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатди.

Тадқиқотлар шуни ҳам кўрсатдики, кам таъминланганлик хавфи, уларнинг асосий транспорт тугунлари ёки коммуникациялар мавжуд бўлмаган узоқ қишлоқларда яшашларига ҳам боғлиқ.

Қишлоқ жойларида ишдан бўшатилаётган ишчи кучининг бандлик муаммоси, шунингдек, шаҳарларда ишсизлик муаммоси қисман, аҳолининг қишлоқлардан шаҳарларга, ҳамда қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг чет элга меҳнат миграцияси ҳисобига ҳал этилмоқда.

Турмуш даражасини ошириш бўйича Лойиҳа доирасида ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, тадқиқ этилган барча туманларда 10 фоиздан 27 фоизгача оилаларда камида битта оила аъзоси чет элга пул ишлашга кетган. Кўп ҳолларда, миграция оилалар даромадига ижобий самара кўрсатган: бундай оилаларда меҳнат мигрантининг ўртача даромади уй хўжалигидаги даромаднинг бошқа манбаларидан 5-10 баравар кўпроқ бўлган.

Бўшатишган ишчи кучининг қишлоқ жойлардан шаҳарга кўчиб ўтишидан кўра, кўпроқ қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқаришни ривожлантириш воситасида ҳал этишни лозим кўрмоқда. Меҳнат миграцияси муаммоси, миграцияни қонунийлаштириш ва меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳукуматлараро битимлар тузишни талаб қилади (меҳнат мигрантларининг 80 фоизи Россияга тўғри келади).

Оиланинг иқтисодий фаолияти унинг бюджетида мужассамлашади. Оила бюджети оила даромадлари ва харажатлари ўртасида миқдорий муносабатдир. Бюджет оила қанча даромад қилиб, қанча харажат қилганини, аниқроғи оиланинг қирим чиқими, яъни молиявий аҳволини билдиради.

Оила даромади – бу муайян даврда оилага келган барча моддий ва пул тушумлари бўлиб, бу жамиятда ҳосил бўлган даромадларнинг қанчаси оилага тегишли эканлигини билдиради.

Ҳозирги Ўзбекистондаги оила даромади бозор ислохотларининг таъсири ва умумий аҳволига қараб шаклланади. Бозор муносабатларига ўтилиши оила даромадининг янги турларига йўл очди. Ислохотлар шароитида табиатан янги бўлган бозор даромадлари пайдо бўлдики, бу асосан тадбиркорлик даромади, томорқа даромади, мулкдан келган даромад, ёлланиб ишлашдан олинган иш ҳақидан иборат. Бозор даромади, бу ишлаб топилган даромад, яъни, иш кучи, капитал, ер ва бошқа бойликни ўз эгаси томонидан нақадар самарали ишлатилишига қараб топиладиган даромаддир. Унинг оила учун аҳамиятининг ортиб бориши бозор муносабатининг қарор топишидан дарак беради.

Қаерда бизнес ривожланган бўлса, шу ерда бозор даромадлари тез ўсади. Ҳозир оила даромади ҳақида гап кетганда кўпчилик фуқаролар уни иш ҳақи билан чегаралайдилар. Лекин бу тўғри эмас. Муайян бир оилани олсак, унинг даромадини иш ҳақи, нафқа, стипендия, дивиденд, фойда, ижара ҳақи, томорқадан тушган пул каби даромадлар ташкил этади.

Тадбиркорлик билан турли тоифадаги оилалар шуғуллана бошлади, натижада ундан келган даромад оилалар даромадида садмоқли ўрин эгаллай бошлади. Тадбиркорлик даромади кичик бизнес соҳиблари, фермерлар ва якка тартибда ишловчиларнинг топган фойдасини ҳам ўз ичига олади. Аммо ҳозирги даврда дивиденднинг оила даромадидаги аҳамияти сезиларли даражада эмас.

1.3 Оилавий тадбиркорликда томорқа хўжалигининг ўрни.

Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир.

Оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади.

Оилавий бизнесни ҳуқуқӣ жиҳатдан мустаҳкамлаш кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтиришга хизмат қилади. Халқимиз қадим-қадимдан ўзининг тадбиркорлиги билан ном қозониб келган. Заминимизда деҳқончилик, чорвачилик, тижорат, халқ хунармандчилиги тараққиёти илдизлари узоқ-узоқларга бориб тақалишининг боиси ҳам шунда.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг ана шу боқӣ анъаналаримиз, қадриятларимиз қайта тикланди, уларни ривожлантириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Пировардида тадбиркорлик ҳаракати изчил тараққӣ топди. Айниқса, кичик бизнес тармоқларига қаратилган улкан эътибор, яратилган мустаҳкам ҳуқуқӣ асос, соҳа равнақи йўлида ташкил этилган шарт-шароитлар юртимиз иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатлари билан ривожланишига пойдевор бўлди.

Энг муҳими, халқимиз фаровонлиги янада юксалди. Таъкидлаш жоизки, иқтисодиёт тармоқлари учун берилаётган имтиёзлар, яратилаётган қулайликлар туфайли миллий қадриятларимизни, анъаналаримизни ўзида мужассам этган кўплаб касбу корлар ҳам изчил ривожланмоқда. Бошқача

айтганда, республикамизда кичик бизнеснинг кенг қулоч ёйиши учун барча имконият ва имтиёзлар яратиб берилди. Тадбиркорликка дастлабки қадам айнан оиладан бошланади. Демак, бу ҳар бир хонадон, қолаверса, маҳалла аҳолисининг ижтимоий манфаатларига тўла мосдир. Эътиборлиси, оила аъзолари биргаликда тадбиркорлик билан машғул аҳоли вакиллари қисқа вақт ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи, қишлоғу шаҳарларимиздаги мулкдорлар синфининг пухта бўғинига айланди.

Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхонадир.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Айни пайтда бу борадаги муносабатлар “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009-йил 29-июлдаги “Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом билан тартибга солиб келинмоқда.

Қонунда оилавий бизнес, унинг фаолият соҳаларини аниқ белгилаш, оилавий корхонани рўйхатга олиш ва уни тугатиш ҳамда оилавий корхонанинг инфратузилмага боғланишининг соддалаштирилган механизмлари, оилавий корхонада бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиблари каби йўналишларни ўзида ифода этган ҳуқуқий асосларни яратиш мақсадга мувофиқ. Айни чоғда мазкур қонунда оилавий корхонада кимлар фаолият юритади, уларга қандай ижтимоий имтиёзлар берилади, деган саволлар ҳам аниқ жавобини топган. Умуман олганда, бўларнинг барчаси хўжалик

юритишнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли —оилавий бизнеснинг ёрқин истиқболига, демакки, фуқаролар турмуш тарзини янада кўтаришга хизмат қилади.

Россиялик таниқли иқтисодчи Афанасьев В. оилавий бизнесга «ижтимоий тангликни юмшатиш ва бозор муносабатларини демократлаштириш, ўрта синфни шакллантиришнинг пойдевори» сифатида баҳо берган. Ҳақиқатан ҳам оилавий бизнеснинг афзалликлари кўп. Жумладан у:

- иш берувчилар томонидан аҳолининг кўп ҳолларда фойдаланмайдиган тофалари — пенсионерлар, талаба ёшлар, ногиронлар меҳнатидан фойдаланиш имконини беради;
- оилавий тадбиркорлик иштирокчиларининг жамоавий ижтимоий маъсулиятини кучайтиради, оила маркаси нуфузини қадрлаш ва оширишга ундайди;
- оила аъзоларининг ўз меҳнат пировард натижалари учун манфаатдорлигига асосланган, тадбиркорликнинг бу турини фарзандлар тарбияси ва уй меҳнати билан қўшиб олиб бориш имконияти мавжуд;
- жамиятда ижтимоий-вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилади, келажакка йўналтирилган амалий муҳитни шакллантиради.

Шунинг учун ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Халқаро меҳнат ташкилоти оилавий тадбиркорликни камбағалликка қарши курашнинг стратегик йўналиши сифатида эътироф этган. Халқаро меҳнат ташкилотининг 2003 йилда бўлиб ўтган 91-сессиясида «Меҳнат қашшоқликка қарши кураш воситаси сифатида» резолюцияси қабул қилинган. Унда ривожланаётган мамлакатларда «ишлаб чиқариш корхонаси — кўп ҳолларда оиланинг уч авлоди биргаликда меҳнат қила оладиган ва иш ҳақларини жамлай имкониятларига эга бўлган оилавий тадбиркорликдир» деб қайд қилинган. Ўзбекистонда ҳам оилавий тадбиркорлик жадал ривожланиб бормоқда.

Оилавий бизнес ривожланишини мувофиқлаштириш, ҳудудий хусусиятларни инобатга олган ҳолда оилавий бизнесни кенгайтириш айти муддаодир. Чунончи, оилавий чорвачилик, асаричилик ва бошқа ҳунармандчилик йўналишлари бўйича ҳудудий ёндашувни татбиқ этиш, ана шу жиҳатдан келиб чиқиб, турли имтиёз ва преференциялар беришнинг аҳамияти каттадир.

Оилавий бизнес энг қулай фаолият турларидан бири ҳисобланади. Боиси ушбу тармоқ бевосита оила ва унинг аъзолари билан чамбарчас боғланган бўлиб, бозор талабларига тез мослашади. Шундан келиб чиқиб, ҳулоса қилиш мумкинки, оилавий бизнеснинг тез ва қўламли ривожланиши йўлида зарурий шарт-шароитларни тақдим этиш ҳар доимгидан ҳам кўра долзарб аҳамият касб этмоқда.

Қонунчиликка кўра оилавий тадбиркорлар қуйидаги ҳуқуқларга эга: ¹⁶

- мустақил равишда товарлар ишлаб чиқаришга (ишлар бажаришга, хизматлар кўрсатишга) доир фаолиятни ташкил этиш, ишлаб чиқарилган товарларни (ишларни, хизматларни) тасарруф этиш ва уларга нарх белгилаш;
- мустақил равишда ўз молиявий маблағларини шакллантириш ва қарз маблағларини жалб этиш, шу жумладан дастлабки (бошланғич) капитални шакллантириш учун кредитлар олиш;
- лизинг ва суғурта хизматларидан фойдаланиш;
- шартномалар тузиш, шу жумладан товарларни (ишларни, хизматларни) ҳарид қилиш ва реализация қилиш учун шартномалар тузиш;
- тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш.

Давлат оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

¹⁶ “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни.12-модда .26.04.2012.

Давлат органлари оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиши шарт.

Оилавий бизнес энг қулай фаолият турларидан бири ҳисобланади. Боиси ушбу тармоқ бевосита оила ва унинг аъзолари билан чамбарчас боғланган бўлиб, бозор талабларига тез мослашади. Шундан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, оилавий бизнеснинг тез ва кўламли ривожланиши йўлида зарурий шарт-шароитларни тақдим этиш ҳар доимгидан ҳам кўра долзарб аҳамият касб этмоқда.

Оила ўз мақомига қараб бизнесда турлича иштирок этади. Ишлаб чиқариш билан бевосита шуғулланувчи оилалар борки, улар оилада якка тартибда ишловчилар, оилавий фермер хўжаликлари ва кичик оилавий фирмалар ва хунармандчилик корхоналаридан иборатдир. Аммо кўпчилик оилалар томорқа хўжалигида бевосита ўзи учун ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Оилавий бизнеснинг аҳамияти катта. Биринчидан, у аҳоли учун зарур бўлган маҳсулот ва хизматларни яратади, иккинчидан, оиладаги иш кучини меҳнат билан банд этиб, оилага ўзини-ўзи даромад билан таъминлаш имконини беради. Оилавий бизнес кичик бизнеснинг бир тури ҳисобланади. У кичик ҳажмдаги бозор учун маҳсулот етказиб беради ва хизмат кўрсатиш соҳасида кенг ривожланади. Бунда оила мустақил товар ишлаб чиқарувчи сифатида майдонга чиқади.

Оилавий бизнеснинг афзалликлари:

- оилавий бизнес кичик бўлганлиги сабабли катта капитал талаб қилмайди, уни бошлаш учун пул топиш енгил бўлади;
- оилавий бизнес оила ихтиёридаги кўчмас мулкка таянади, оила уйида юритилгани учун капитал қурилиш ёки жойни ижарага олиш талаб қилмайди;
- оилавий бизнес оммавий истеъмол учун эмас, балки маҳаллий бозордаги сайланган истеъмолчилар учун ишлайди. Унинг бозори кичик бўлганлиги учун рақобатга кам йўлиқади;

- оилавий бизнес кўпроқ қўл меҳнатини талаб қилувчи маҳсулот ва хизматларни арзон ишлаб чиқаришга мосланадт;
- оилавий бизнес оиладаги бекор турган меҳнат резервлариги таянади, яъни болалар ва қариялар кўмагида юритилади;
- оилавий бизнес оила учун тирикчилик воситаси бўлганидан кам даромад билан ҳам қаноат ҳосил қилиши мумкин.

Шахсий томорқа хўжалигини ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишда оилавий тадбиркорликни амалга ошириш зарур. У бир қанча устунликларга эга:

Манфаатдорлик. Оила томорқа мулкдори сифатида бизнеснинг ўсиши ва ривожланишини таъминлаш ҳамда уни кейинги авлодларга топширишга қодир бўлиш тарафдори. Бунинг натижаси ўлароқ – оиланинг барча аъзолари ўзларини фикран томорқа билан боғлаган ғолда тадбиркорликнинг узоқ муддатли истиқболдаги ўсишини кафолатлаш учун ўзларининг бор кучларини аямай ишлашга ҳамда даромадларни тадбиркорликка қайта сармоя сифатида киритишга тайёрдирлар.

Билимларнинг узлуксизлиги. Оилалар ўзлари тўплаган билимлар, тажрибалар ва кўникмаларни кейинги авлодга қолдиришни тадбиркорликдаги устуворликлардан бири сифатида белгилайдилар. Оиланинг кўпгини аъзолари оилавий тадбиркорликка ёшлик чоғларидан жалб қилинади. Бу эса уларнинг манфаатдорлигини оширади.

Бутун даромаднинг оилага тушиши. Томорқада етиштирилган ҳосилдан келган даромад **оила** бюджетига келиб тушади. Бу эса томорқа хўжалигини янада ривожлантириш учун кўпроқ ресурсларни сарфлаш имконини беради.

Умумий қадриятлар ва манфаатларига эга жамоа. Агар бу манфаатлар ягоналиги оиланинг барча аъзолари томонидан англаб етилса, умумий тадбиркорлик ушбу оиланинг ягоналигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Оила аъзоларининг томорқани ривожлантиришда иштирок этишлари мобайнида уларни янада яқинлашишлари содир бўлади.

Оилавий тадбиркорлик – нафақат даромад, балки бу қатор дуч келинадиган муаммолардир. Бу қийинчиликлар қариндошларни янада жипслаштиради.

Ишонч ва самимийликнинг улкан даражаси. Оилавий тадбиркорлик иштирокчилари бир-бирларига нисбатан бошқа ишда ишлаганлардан кўра самимийдир. Бундан ташқари улар оилада бўлаётган воқеалардан хабардордирлар.

Ёш авлодни тарбия қилиш ва касбий йўналтириш. Унга ўз фарзандларини мактаб давридаёқ жалб қилиш имконияти. Натижада бола иш юритиш кўникмаларига амалий йўл билан эга бўлади. Бу эса вақти келганда бебаҳо тажрибага айланади.

I-БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар ялпи ички маҳсулот бўлиб, у пул шаклида бутун жамиятнинг даромади ҳисобланади. У тақсимланганда барча иқтисодиёт иштирокчиларининг даромадлари ҳосил бўлади. Даромад пул тушуми шаклига эга бўлади. Аҳолига теккан даромад унинг ихтиёрига келган турли пул тушуми (иш ҳақи, фойда, нафақа, пенсия, стипендия, ижара пули, дивиденд, заём ютуғи, томорқадан келган пул кабилар) дан иборат бўлади.

Аҳолининг турмуш даражаси кўп жihatдан уй хўжаликларининг жамғарилган активлари ва оилаларнинг жорий даромадларига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон учун оилаларнинг 98 фоизи жорий моддий ҳолатидан қатъий назар, ўзларининг хусусий мулкида шахсий турар-жойларига эга. Оилаларнинг катта қисми, жумладан, қишлоқ жойларида жойлашган кам таъминланган аҳолининг катта қисми эса – 96,7 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ёки кичик тадбиркорлик фаолиятини юритиш мумкин бўлган, мерос қилиб қолдириладиган томорқа ерларига эга.

Республикада 1996-йилдан бошлаб ўртача аҳоли жон бошига тўғри келган пул даромадлари ўсишининг ижобий динамикаси вужудга кела бошлади. Кейинги йиллар давомида аҳоли реал даромадларининг ўртача ўсиши юқори фоизларни ташкил этди. Энг юқори ўсиш суръати, даромади юқори минтақаларда – Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятида кузатилди.

Томорқа хўжалигининг иқтисодиёт субъекти сифатидаги асосий мақсади аҳолининг шахсий истеъмолини максималлаштириш ва келажагини таъминлаш учун жамғарма ҳосил этишда кўринади.

II БОБ. Шахсий томорқа хўжаликларида даромадларнинг иқтисодий таҳлили.

2.1 Шахсий томорқа хўжалигини ташкил этишнинг ҳуқуқий-иқтисодий жиҳатлари.

Аҳолининг шахсий томорқа хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида (деҳқон хўжалигида) қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

Президентимиз И.А.Каримов томонидан якка тартибда фаолият кўрсатадиган деҳқонларнинг ерга бўлган ҳуқуқий муносабатлари тикланди. Ердан фойдаланишда ва ишлов беришда хусусий мулкчилик муносабатларига катта имкониятлар яратиб берилди. 1991 йилда Президентимизнинг махсус фармонлари асосида мамлакатимиз бўйича янги ислохотларга йўл очилди. Қишлоқ яқинидаги унумдор ерлардан уч миллионга яқин деҳқонларга томорқа учун ерлар ажратилди.

Аҳолининг шахсий томорқа хўжалигидаги фаолияти тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда у томорқа хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

2012-йил якунларига кўра мамлакатимизда 4 792 071 та деҳқон ва томорқа хўжаликлари бўлиб, улар ихтиёрида 462 400 гектар ер майдони бор.¹⁷ Бу қишлоқ хўжалигидаги жами экин майдонларининг 12,8 фоизини ташкил этади. Республикада етиштирилаётган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 63,7 фоизи, чорвачилик маҳсулотларининг 62,2 фоизи айнан ана шу хўжаликлар томонидан тайёрланмоқда.

¹⁷ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари. 2013-йил

Томорқа хўжалиги ўз фаолиятида ёлланма меҳнатдан доимий асосда фойдаланиши мумкин эмас.

Томорқа хўжаликларини ташкил этиш, уларнинг фаолияти ва тугатилиши билан боғлиқ муносабатлар мамлакатимизда қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Томорқа хўжалиги аъзолари жумласига биргаликда яшаётган ва томорқа хўжалигини биргаликда юритаётган оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, тарбияга олган болалари, ота-оналари, меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа қариндошлари киради.

Юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда томорқа хўжалиги номидан шу хўжалик бошлиғи иш кўради.

Томорқа хўжалиги бошлиғи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилган оила бошлиғи ёки оиланинг муомалага лаёқатли аъзоларидан биридир.

Томорқа хўжалиги деҳқон хўжалиги таркибига кириб у ихтиёрийлик асосида тузилади ҳамда фуқарога белгиланган тартибда ер участкаси берилганидан ва томорқа хўжалиги давлат рўйхатига олинганидан кейин ташкил этилган ҳисобланади.

Томорқа хўжалигини юритиш учун ер участкасини олишга муҳтож бўлган фуқаролар яшаш жойидаги туман (шаҳар) ҳокимига оиласининг таркибини ва ер участкасининг мўлжалланган жойини кўрсатган ҳолда ариза беради.

Туман (шаҳар) ҳокими ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг хулосаси асосида деҳқон хўжалигини юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш тўғрисида қарор қабул қилади ёки аризачига ер участкаси бериш бўйича асослантирилган рад жавобини юборади.

Томорқа хўжалигини давлат рўйхатига олиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Томорқа ер участкаси — қишлоқ хўжалик маҳсулотини эркин савдо ҳамда оила эҳтиёжлари учун етиштириш, шунингдек якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш мақсадида оила аъзоларидан бирига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ўлчамларда ажратиб бериладиган ер участкасидир.

Томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан гувоҳлантирилади.

Оилали ва қишлоқ жойларда камида уч йил мобайнида яшаб турган фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва сахро минтақасида эса суғорилмайдиган яйловлардан 1 гектаргача ўлчамда берилди. Қишлоқ жойларда камида уч йил яшаб турганлик тўғрисидаги талаб янги суғориладиган ер массивлари учун қўлланилмайди.

Томорқа ер участкасидан оқилона ва самарали фойдаланаётган деҳқон хўжалигига туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва реализация қилиш, озуқа етиштиришни ташкил этиш, шунингдек яйлов яратиш учун қисқа муддатли ижарага қўшимча равишда ер участкалари берилиши мумкин.

Томорқа хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкаларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Томорқа хўжалигининг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистонда қишлоқ жойлардаги кўплаб оилалар деҳқон хўжалигига эга. Деҳқон хўжаликларига ажратилган ер участкаларини бир қанча турларга ажратиш мумкин:

- томорқа участкалари;
- қишлоқ хўжалик фаолиятини юритиш учун махсус ажратиладиган деҳқон участкалари (одатда, бундай участкалар аҳоли пунктининг четроғи ёки атрофида жойлашган бўлади);
- янги уй-жой қуриш учун ажратилган участкалар (баъзи оилалар, бундай участкалардан кўпинча қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун фойдаланади).

Қишлоқ хўжалик экинлари одатда томорқа участкаларининг ярмидан кўпини эгаллайди. Экин экилган майдон кўпгина ҳолларда суғорилади. Аксарият томорқа участкалари (73 фоиз) ўтган асрнинг 90-йиллари бошида берилган. Уй хўжаликларининг 21 фоизи ўз участкасига 1991-2000 йилларда, 6 фоизи 2000 йилдан кейин эга бўлган.

Тадқиқот ўтказилган аксарият уй хўжаликлари ўз томорқа участкаларида асосан мева-сабзавот етиштиради. Мева-сабзавот экилган ерлар турли ҳудудларда томорқа участкаларининг 40-90 фоизини эгаллайди. Маккажўхори ҳам энг кенг тарқалган экинлардан ҳисобланади, уй хўжаликларининг 30 фоизи ушбу экинни етиштиради ва улар бундай участкаларнинг бешдан бир қисмини ташкил қилади. Баъзи уй хўжаликлари бошқа экинларни етиштиради. Бошқа турдаги деҳқон участкаларида экинлар тузилмаси томорқага қараганда мутлақо бошқача. Қўшимча деҳқон участкалари асосан бошоқли экинлар (буғдой, шоли, маккажўхори) етиштириш билан шуғулланади. Уларнинг айримлари сабзавот ва айниқса, мева етиштиради. Қурилиш учун ажратилган участкалардан асосан маккажўхори, мева-сабзавот, шунингдек, пичан етиштириш учун фойдаланилади. Деҳқон участкалари кўпинча озуқа экинларини (асосан ҳашак) етиштиради – сўров маълумотларига кўра,

томорқа участкалари эгаларининг 17, қўшимча деҳқон участкалари эгаларининг 15, қурилиш учун ажратилган участкалар эгаларининг 27 фоизи. Озуқабоп илдизмевали экинлар камроқ ва шунинг учун улар деҳқон участкаларининг баъзиларидагина етиштирилади.

Томорқа хўжалигини юритиш учун пул сарфлаш даражаси паст – ўртача катталиқдаги битта участка учун йилига ўртача қарийб 300-350 минг сўм. Фермер хўжаликлари ўз ер участкаларига томорқа хўжаликларига қараганда тахминан 1,5 барабар кўп маблағ сарфлайди. Участка қанчалик кичкина бўлса, ер майдони бирлиги учун харажат ҳам шунча юқори. Бу эса томорқа хўжалигида меҳнат унумдорлиги бошқа хўжаликларга нисбатан анча юқори эканлигини англатади. Шунингдек, томорқа хўжаликларида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш даражаси юқори. Шунинг учун томорқа участкаларида олинадиган ҳосилдорлик ўртача 1-1,5 барабар юқори бўлмоқда.

Томорқа участкаларида маҳсулот етиштириш рентабеллиги жуда юқори – етиштирилган маҳсулот қиймати сарфланган маблағдан 5-10 барабар ортади. Бироқ, бу борада шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, томорқа хўжалигини юритиш учун кетадиган харажатларни ҳисоб-китоб қилинганда сарфланган меҳнат ҳисобга олинмайди. Негаки, оила аъзоларининг томорқа участкасида ишлаши ҳисобга олинмайди ва бунга ҳақ тўланмайди.

Аксарият ҳолларда томорқа участкаларида етиштирилган маҳсулот асосан оила эҳтиёжларига кетади, тадқиқот ўтказилган уй хўжаликларининг атиги 20-25 фоизи бундан мустасно. Бир йилда ўртача истеъмол ҳажми унчалик юқори эмас ва битта оила учун 600 минг сўм ёки бир кишига 100-150 минг сўми ташкил қилади.

Томорқа участкаларида етиштирилган айрим турдаги маҳсулотларнинг (ерёнғоқ, анор, узум, карам, картошка) 90-95% товар маҳсулоти сифатида истеъмолчиларга реализация қилинади.

Томорқа участкалари кенг оммалашган бўлиб, улардан уй хўжаликларининг 99,6 фоизи фойдаланади. Участкаларнинг ўртача катталиги 0,15 гектарни ташкил қилади. Томорқа участкасига эга бўлган уй хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қонунларда таъқиқланмаган ҳар қандай тури билан шуғулланишга ҳақли.

Улар ўзи етиштираётган ва реализация қилаётган маҳсулот сифатига оид амалдаги норматив ва стандартларга, экологияга, санитарияга оид ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа талаб ва қоидаларга риоя этиши шарт.

Томорқа хўжаликларининг хўжалик фаолиятига, шу жумладан улар томонидан агротехника усуллари, етиштириладиган маҳсулот турларини танлашда, унинг нархини ва уни реализация қилиш йўналишларини аниқлашда давлат органлари ва ташкилотларининг ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Давлат органлари ва ташкилотларининг ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг ва фуқароларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) натижасида, шунингдек бундай органлар, ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг деҳқон хўжалигига нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятларни лозим даражада бажармасликлари оқибатида томорқа хўжалигига етказилган зарарлар, шу жумладан бой берилган фойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши керак.

Томорқа (уй) хўжалигининг фаолияти хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Томорқа хўжалигидаги муайян ишни бажаришга бошқа шахслар меҳнат шартномаси асосида вақтинча жалб этилиши мумкин.

Уй хўжалиги томорқада етиштириладиган маҳсулотга бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиқиб мустақил равишда баҳо белгилайди.

Давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва уни реализация қилиш билан шуғулланувчи томорқа хўжаликларининг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Давлат органлари томорқа хўжалигини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашишлари лозим.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томорқа хўжалигига берилган ерлардан фойдаланиш устидан назоратни амалга оширадилар ҳамда ердан самарали ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўрадилар.

Томорқа иттифоқ даврида ҳам муҳим даромад манбаи ҳисобланган. Томорқа табиатан бозор иқтисоди талабларига мос тушади, шу боис у бозор ислохотларини ўзига сингдира олди. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ томорқага эътибор кучайтирилди. Томорқа хўжалиги солиқ юкидан озод этиди. Томорқа ҳақида гап кетганда у келтирган даромадни пул билан ўлчаш хато бўлади. Чунки бу хўжалик аҳолининг каттагина қисмини бозордан маҳсулот сотиб олишдан халос этади. Томорқада яратилган маҳсулотдан оиланинг ўзи ҳам истемол қилади. Буни **натурал** истемол деб атайдилар. Натурал истемол туфайли оила бозордан маҳсулот харид қилиш ташвишидан қутилади, бу ишнинг харажатларидан ҳам озод бўлади.

Оила томорқаси табиатан тарқоқ ва тартибсиз хўжалик бўлгани сабабли баъзан маҳсулот кўп етиштирилиб, унинг бозори касод бўлиши ва арзон-гаров, ҳатто харажатларни ҳам қопламайдиган нархда сотилиши мумкин. Сотининг иложи бўлмаганидан баъзи бир маҳсулотлар нобуд бўлиб, қутилган даромадга эришилмайди. Бунинг учун оилалар томорқанинг ишлаб чиқариш имкониятларини аниқ ҳисобга олишлари, бозорнинг ҳолатига қараб нимани, қанча етиштириш, маҳсулотни қаерда ва қанчадан сотилиши масаласини ҳал этишлари талаб этилади.

Томорқа соҳиблари бошқа мамлакатлардаги мева-сабзавот бозорига фаол кириб борсалар, катта даромад олиш имконига эришадилар. Улар

ўзлари уюшма ёки иттифоққа бирлашиб маҳсулот экспортини уюштиришлари, транспорт ва агротехника хизматини ташкил этишлари, натижада даромадларини оширишлари мумкин.

Томорқа оила даромади ресурси сифатида ўз аҳамиятини йўқотмайди, чунки у моҳиятан бозор хўжалигидир. Шу сабабли унинг даромадини ҳам бозор даромади деб ҳисоблаш лозим.

2.2 Шахсий томорқа хўжаликларининг иқтисодий таҳлили.

Ўзбекистонда оилавий тадбиркорлик шакллари кўп. Томорқа хўжалиги ҳам майда оилавий тадбиркорликдир. Томорқа – оила хўжалигининг кенг тарқалган шакли. Сурхондарё вилояти Х.Эшонов ҚФЙ га қарашли Гулобод маҳалласида 410 та оила мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммасида томорқа хўжаликлари мавжуд. Томорқанинг иқтисодий аҳамияти ҳар хил. Бир оила учун у асосий даромад манбаи бўлса, бошқа ерда у ёрдамчи хўжалик ҳисобланади. Томорқа қишлоқдаги ортиқча иш кучини банд қилади. Томорқа хўжалиги қишлоқда уй бекалари ва болалар меҳнатидан фойдаланишнинг энг қулай усулидир, шу боис у кўп болали оилалар учун муҳим. Томорқа бозорга маҳсулот етказиб берувчи оилавий товар хўжалиги бўлиб, у деҳқон бозоридаги тўкин-сочинликни таъминлайди.

Томорқа хўжалиги оиладан моддий пул ва меҳнат сарфини талаб қилади. Оила ушбу сарфларни ўз ихтиёри билан қилади, чунки бу яхши даромад келтиради. Томорқа қўл меҳнатига асосланганидан бу ердаги моддий сарфлар асосан уруғлик, ем-хашак, кўчат ва ўғитлар сарфидан иборат. Томорқа соҳибларининг моддий сарфи маҳсулот қийматининг тахминан 8-10% га тўғри келади.

Томорқа оила меҳнатига таянади, у ташқаридан мардикор ёллаб ишлатмайди, бунга пул сарфламайди. Томорқа бозорга товар етказиб беради. Томорқа оилани маҳсулот билан ҳам таъминлаб туради.

2.2.1-жадвал.

Х.Эшонов ҚФЙ га тегишли Гулобод маҳалласидаги оилаларда томорқа хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари (2008-2012-йиллар).¹⁸

№	Кўрсаткичлар	2008	2009	2010	2011	2012	2012-йилда 2008-йилга нисбатан ўзгариш, %
1	Жами хўжаликлар сони	380	388	395	401	410	107%
2	Жами ер майдони, гектар	45,6	45,56	47,4	48,12	49,2	107%
3	Бир хўжаликка тўғри келадиган ўртача ер майдони, сотих	0,15	0,13	0,13	0,13	0,12	80%
4	Етиштирилган маҳсулот миқдори, тонна						
А)	Бугдой	16	15,2	15,6	17	16,5	96%
Б)	Картошка	40	42,1	41,5	43	42	105%
В)	Карам	3	2,8	3,1	3	3,2	106%
Д)	Ер ёнғоқ	20	21,3	22,5	23	23,2	116%

¹⁸ Манба: Қизириқ тумани Гулобод маҳалла кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан қайта ишланган.

Жадвал маълумотларидан маълум бўладики, Х.Эшонов ҚФЙ га тегишли Гулобод маҳалласида кейинги 5 йилликда 30 та янги хўжалик пайдо бўлган. Аммо, бир хўжаликка тўғри келадиган ер майдони 0,15 гадан – 0,12 гага камайган. Бунинг сабаби томорқа учун ажратилаётган ер майдонларининг чекланганлиги билан боғлиқ. Барча маҳсулот турларини етиштиришда ўсиш кўзга ташланмоқда.

Оила томорқа хўжалиги фақат унинг ўзи учун эмас, балки бошқалар учун ҳам катта аҳамиятга эга. У маҳсулот ва хизматларни кўпайтириб, аҳоли талаб ва эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Шу боис унинг истикболига эътибор катта. Томорқа учун 0,35 гектарга қадар сувли ер, 0,5 гектар лалми ер, 1 гектар чўлдаги ерлар берилиши мумкин. Шунда оила хўжалиги ёрдамчи эмас, асосий даромад манбаига айланади.

Оилавий тадбиркорлик — қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг самарали воситасидир. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш даражасини оширишнинг самарали воситаларидан бири — оилавий тадбиркорликни ҳар тарафлама ривожлантиришдир. Тадбиркорликнинг бу тури янги иш жойлари яратиш учун катта маблағ талаб этмайди, шу билан бирга иш билан бандликнинг эгилувчан шакллари билан кенг фойдаланиш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун "...бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди.

Мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади. Ишончим комилки, бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва

янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилади"¹⁹ деб алоҳида уқтирган.

Оилавий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатлар фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги принциплари, ўзаро ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам ва оила олдида унинг барча аъзоларининг маъсулият ҳисси, боланинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асосига қурилади.

Президентимиз томонидан мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари бу борада айни муддаодир. Мазкур дастуриламал ҳужжатда таъкидланганидек, бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди. Мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шаклибизнесни юритиш бўйича миллий анъаналаримизга, ҳўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла уйғундир.

Ушбу ҳаётий таклифнинг амалга оширилиши эса ўзимизга хос ва мос тараққиёт тамойилларига тўла ҳамоҳанг бўлиб, жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада ривожланишига имкон яратади.

2.2.2 – жадвалда тадқиқот қилинаётган объектдаги экинлар тузилмаси ва ҳосилдорлик келтирилган.

Жадвал маълумотларига кўра маккажўхори, полиз экинлари ва пичанбоп ўтлардан юқори ҳосил олинган.

¹⁹ И.А.Каримов.«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси».2010-йил 12-ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма йиғилишида сўзланган нутқ.

2.2.2-жадвал.

**Томорқа хўжаликларидаги экинлар тузилмаси ва ҳосилдорлик
(Қизирик тумани Гулобод маҳалласи томорқа хўжаликлари мисолида)
(2012-йил)²⁰**

Экинлар	Ҳосилдорлик, гектаридан центр
Буғдой	45
Маккажўхори	112,4
Ерёнғоқ	110
Бошқа бошоқли экинлар	44,6
Мевали дарахтлар ва узумзор	91,3
Сабзавот	97,3
Полиз экинлари	155,2
Дуккакли экинлар	37,5
Озуқабоп илдизли ўсимликлар	97,3
Пичанбоп ўтлар	157

²⁰ Манба: Қизирик тумани Гулобод маҳалла қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан қайта ишланган.

2.2.3-жадвал.

Қизирик тумани Гулобод маҳалласида томорқа хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар ҳажми (2012-йил)²¹

№	Кўрсаткичлар	Сон қийматлари
1	Экин майдони, га	41,2
2	Томорқада ишловчилар сони, киши	512
	Етиштирилган маҳсулотлар	
А)	Картошка, тонна	45
Б)	Сабзавотлар, тонна	2,1
В)	Мевалар, тонна	2,2
Г)	Ерёнғоқ, тонна	55
Д)	Бошқа томорқа маҳсулотлари, тонна	6,5
	Бир томорқа хўжалиги аъзосига тўғри келадиган маҳсулот, кг	378,3
А)	Картошка, кг	87,9
Б)	Сабзавотлар, кг	4,1
В)	Мевалар, кг	4,2
Г)	Ерёнғоқ, кг	107,4
Д)	Бошқа томорқа маҳсулотлари, кг	12,6

²¹ Манба: Қизирик тумани Гулобод маҳалла қўмитаси маълумотлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан қайта ишланган.

Жадвал маълумотларидан аён бўладики, киши бошига тўғри келадиган маҳсулот миқдори 378,3 кгни ташкил этмоқда. Бу ҳудудда айниқса, ерёнғоқ етиштириш ривожланганлиги сабабли 107,4 кгдан тўғри келмоқда. Етиштирилган ерёнғоқ бозорларга сотувга чиқарилади.

Фикримизча, шахсий томорқа хўжаликларида аҳоли даромадларини кўпайтириш учун қуйидагиларга янада кўпроқ эътибор қаратиш ўринли бўларди:

Биринчидан, тадбиркорликнинг турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларига ёшларни жалб этиш, иккинчидан, оилавий тадбиркорликни хусусий бизнеснинг алоҳида шакли сифатида ривожлантириш, учинчидан, таълим муассасалари битирувчиларининг, ёшларнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида иштирок этишини таъминлаш баробарида уларга имтиёз ва преференциялар бериш механизмларини такомиллаштириш зарур. Мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этиши улар келажакда иқтисодиётимизнинг етакчи бўғинига айланишидан далолат беради. Шунингдек, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этишнинг рағбатлантирувчи механизмлари уларни иш билан банд этишнинг энг тўғри ва оқилона йўли ҳисобланади. Тан олиш керакки, ёшларни кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик фаолиятига жалб этмасдан ва иш ўринлари билан таъминламасдан демократик тараққиётга эришиб бўлмайди.

Оилавий тадбиркорлик аҳолининг кўпчилиқ қисмини иш билан банд қилиш ҳамда четга чиқиб кетишининг олдини олиш, меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш имконини беради. Оилавий мулкдорлар синфини шакллантириш орқали хусусий тадбиркорликни янада кучайтиришга эришилади.

Оилавий тадбиркорлик фаолиятида мол-мулкни ишончли бошқариш институти имкониятларидан фойдаланиш оила даромадини оширишга, қолаверса, уларда хусусий мулкчилик ҳиссини уйғотишга ёрдам беради. Шу жиҳатдан қараганда, фуқаро ва тадбиркорлар даромадларини

кўпайтиришнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, уларнинг ташаббускорлигини рўёбга чиқаришга эришиш зарур.

Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш оилани мустаҳкамлашга кўмаклашади, ички оилавий зиддиятларни камайтиради ва турмушда учрайдиган турли муаммоларни оқилона ҳал этиш имкониятларини кенгайтиради. Тадбиркорлар оилаларидаги доимий турмуш муаммолари билан боғлиқ жиддий вазиятлар бошқа оилалардаги вазиятларга нисбатан анча кам учрайди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, тадбиркорларнинг ярмидан ортиғи оилавий муаммоларни ҳал этиш учун айти бизнес билан шуғулланиш ёрдам бераётганлигини эътироф этади. Оилавий бизнесда, одатда, вазифаларни ички тақсимооти юзага келади. Оилавий тадбиркорлик шундай бизнески, унда эркакнинг ҳам, аёлнинг ҳам ва балоғатга етган болаларининг ҳам меҳнатидан фойдаланилади. Бинобарин, оилавий бизнеснинг муваффақияти уюшганликда, яъни ҳамманинг бир-бирига ёрдам беришида, корпоратив манфаатларни биргаликда ҳимоя қилишда, оила иноклигидадир.

Болалар тарбияси – оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг бошқа бир ижобий омилидир. Ота-оналарга ёрдам берар экан, болалар ёшлигиданок, меҳнат билан топилган ҳар бир тийиннинг қадрига етади. Зеро, ёшлигидан бошлаб бизнесга фаол жалб этадиган тадбиркорлар болаларининг келгусида ўсиб-униши учун замин яратади ва шу асосда оиласининг мустаҳкамлигини таъминлайди.

Аслида ҳам оилавий корхонада ишлаш ҳеч кимга оғирлик қилмайди. Чунки, ҳеч ким ўз мулкини ўзи ўғирламайди. Оилавий корхонада ишловчи ходим ўз меҳнат натижаларидан четлаштирилмайди, пировард маҳсулотни ўз кўзи билан кўради ва истеъмолчининг назарига тушиш, эътиборини тортиш учун тинмай ҳаракат қилади. Йирик корхонада эса ходим ўз меҳнатининг натижаларидан йироқ бўлади. Оилавий тадбиркорлик ходимнинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини ва юксак масъулиятини имкон қадар юқори даражада уйғунлаштиради, уни

асослашда нафақат моддий, балки ундан ҳам юксакроқ бўлган маънавий рағбатдан фойдаланади. Чунончи, оилавий тадбиркорлик файзу-барака манбаидир.

2.3 Шахсий томорқа хўжалиги ва унинг аҳоли даромадларини оширишдаги ўрни.

Бугун дунё бўйлаб аҳоли сони юқори суръатларда ўсиб бормоқда. Бу ўз навбатида аҳолининг истеъмол товарларига, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабининг ҳам ўсишига олиб келмоқда. Бу муаммо дунёнинг барча мамлакатлари олдида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласини устувор вазифа қилиб қўймоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиёти, хусусан, қишлоқ хўжалигининг барча жабҳаларида кўлга киритилаётган бугунги залворли ютуқлар Президентимиз Ислом Каримовнинг раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ислохотлар маҳсулидир.

Лекин, аҳоли ихтиёридаги томорқа ерлари хусусида гапирганда, тан олиш керакки, она заминнинг бизга берган имкониятларидан ҳамма ҳам бирдек фойдалана олмаяпти. Баъзи бир жойларда каттагина майдонни ташкил этувчи томорқалар йил бўйи бўш турса, яна бир томорқа эгалари ердан кам ҳосил олмоқдалар. Айрим хонадонларда экин ерларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳоллари кўп учрайди. Оддийгина мисол, қишлоқ жойларда тандир учун 2,25 метр квадрат ўлчамда жой кифоя қилади, лекин кўпчилик хонадонларда бунга керагидан 2-3 баробар кўпроқ жой ташлаб кетилади. Шу ернинг ўзида қанча ер фойдаланилмай бўш ётади.

Яхши меҳнат қилинса, томорқалар ва ер участкаларидан янада самаралироқ фойдаланиб, олинаётган ҳосил ва даромадларни 2-3 мартагача ошириш мумкин. Чунки, бизнинг иқлим шароитимиз йил

давомида деҳқончилик қилиш имконини беради. Шунинг учун ҳозирда бу масалага ҳукумат даражасида эътибор қаратилаяпти.

Бугунги кунда томорқачиликнинг ривожланиши одамларнинг яхши турмуш кечириши, қўшимча даромад олиш, озиқ-овқат мўл-кўлчилиги-га эришиш, оилаларнинг моддий таъминотини яхшилаш ва аҳоли бандлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Агар ҳар бир оила ўз томорқасидан унумли фойдаланса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ўзини-ўзи тўла таъминлайди. Натижада уни бозордан сотиб олишга кетадиган маблағни бошқа эҳтиёжларига ишлатиш мумкин. Қолаверса, ўз эҳтиёжидан ортиб қолган маҳсулотни бозорга чиқарган оиланинг моддий аҳволи янада яхшиланади.

Жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки (2.3.1-жадвал) , Гулобод маҳалласи томорқа участкаларида кейинги йиллар ичида 1,2 гектар кўпайган, аҳоли даромадлари 25 млн.сўм, моддий харажатлар 2 млн.сўм, фойда эса 23 млн.сўм кўпайган.

Қаралаётган даврда даромадлар ва фойданинг ўсишига бир томондан меҳнат интенсивлигининг ортиши сабаб бўлаётган бўлса, иккинчи томондан нархларнинг ошиши ҳам сабаб бўлмоқда.

Фойда ошиб бориши билан бир вақтда рентабеллик кўрсаткичи ҳам ошиши кузатилмоқда.

Томорқадан юқори ҳосил олиш учун бизнинг назаримизда қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур:

Томорқадан юқори даромад олиш учун аввало, октябрь, ноябрь ва декабрь ойининг биринчи ярмида ерга ишлов бериш, шудгор қилиш лозим. Чунки, айнан шу даврда барча турдаги ўсимликларда ўсиш ва ривожланиш жараёни якунланиб, барглари ҳамда бошқа вегетатив массалари тупроқ юзасида тўпланади. Шу боис бу пайтда ер ағдарилиб, ишлов берилса, юқорида айтилган органик қолдиқлар тупроққа аралашиб, тупроқ структураси ва унумдорлигини оширади. Бундай ерларда деҳқончилик қилинганда ҳосил мўл, маҳсулот сифатли бўлади.

2.3.1-жадвал.

Гулобод маҳалласидаги шахсий томорқа хўжаликларида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.²²

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирликлари	2009	2010	2011	2012	2012-йил 2009-йилга нисбатан ўзгариш
1	Тадқиқ қилинаётган шахсий томорқа участкалари	га	40	40,5	40,2	41,2	+1,2
2	Даромад	Млн.сўм	41	46	48	66	+25
3	Моддий харажат	Млн.сўм	8	10	9	10	+2
4	Фойда	Млн.сўм	33	36	39	56	+23
5	Рентабеллик кўрсаткичлари	%	80	78	81	84	+4%

²² Манба: Қизирик тумани Гулобод маҳалла қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан қайта ишланган.

Томорқалар ва ер участкалари кичик майдонлардан иборат бўлганлиги сабабли барча агротехник тадбирлар асосан қўл кучи билан бажарилади. Бунинг яхши томони - экинларга сифатли ишлов бериш имкони юзага келади ва шунга яраша олинадиган ҳосил ҳам юқори бўлади.

Томорқадан яхши даромад кўриш ҳақида гап кетар экан, аввало, сифатли уруғ танлаш ва тайёрлашни йўлга қўйиш лозим. Бу - қийин иш эмас.

Биринчи навбатда, уруғлик учун олинган экин меъёрида пишиб етилган бўлиши керак. Шунингдек, уруғлик маълум вақт мобайнида сақланиб, тиним даврини ўтказиши зарурлиги ҳам илмий ва амалий жиҳатдан тўла асосланган. Бу жараён уруғ сифатини оширади.

Бизнинг шароитимиздаги ерлар суғориладиган ерлардир. Бунинг ўзига хос яхши томони - суғориладиган ерларда томорқа эгалари йил мобайнида деҳқончилик қилишлари мумкин. Табиийки, шунга яраша уларнинг оладиган ҳосили ҳам, топадиган даромади ҳам юқори бўлади. Масалан, 15 сотих ер эгаси ҳеч бўлмаганда ўша майдоннинг 7-8 сотихида кузги буғдой етиштирса, ҳам донга, ҳам боқаётган чорваси учун анча сомонга эга бўлади. Буғдой ўрнига такрорий экин сифатида маккажўхори, кунжут, тарвуз, тарик, мош ёки бошқа бирор бир сабзавот, полиз экинлари етиштириб, улардан ҳам мўл ҳосил етиштириши мумкин.

Кўпгина майдонлар кузда экиндан бўшайди. Асосий ўсимлик турлари ҳам ана шу давргача парваришланиб, ҳосили йиғиштириб олинади. Шу билан ер, агар қишловчи экинлар экилмаган бўлса, эрта баҳоргача фойдаланилмай ётади. Қишда ҳам экин майдонларидан самарали фойдаланиб, яхшигина даромад олиш мумкин. Хусусан, кузда ҳосилдан бўшаган ерларда совуққа чидамли жавдар, сули ва бошқа ўсимликлар экиб, чорва моллари учун ем-хашак етиштириш баробарида тупроқ унумдорлигини ҳам ошириб олишга эришилади. Шундай қилинса, кейинги етиштириладиган экинлардан ҳам кутилганидек ҳосил олиш билан бирга, чорванинг қишловдан сўнг - айна сервитамин озуқага муҳтожлик даврида кўкат массали зарур хашак манбаини шакллантирган бўламиз. Бундай

экинларни экиш технологияси ҳам оддий. Ернинг юзаси енгил юмшатилиб ёки уруғ олдин сепилиб, кейин устидан борона қилинади. Ёғингарчилик ва тупроқ намлиги етарлича бўлганда суғориш шарт эмас. Фақат эрта баҳорда гектарига 50-60 килограмм соф модда ҳисобида азотли ўғит берилса бас.

Албатта, бу мисоллар томорқадан фойдаланишнинг оддий усули. Муҳими, томорқа майдонларида экинлар қанча кўп етиштирилса, уларнинг илдизлари ва илдиз ажратмалари ҳам шунча кўп тўпланиб, ернинг унумдорлик даражаси ҳам, ер эгасининг даромади ҳам муттасил ошиб боради.

Мамлакатимизда мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Узумчилик қишлоқ одамларига қўшимча даромад келтирадиган соҳа. Яхши парваришланса, ҳар туп токдан 20-30 килограммдан ҳосил етиштириб олиш мумкин. Шунингдек, бу маҳсулотни қимматбаҳо товарга айлантиришнинг усуллари кўп. Масалан, узумдан шарбат, компот, мураббо тайёрлаш ёки бўлмаса уни қуришиб ширин-шакар майизга айлантириш мумкин. Мева-сабзавотчилик ва узумчилик билан шуғулланган хонадон нафақат даромадини ошириши, балки оила аъзолари рационал овқатланишига эришиб, уларнинг саломатлиги мустаҳкамланади. Албатта, буларнинг барчасига озгина ҳафсала ва интилиш бўлса, бас.

Хулоса ўрнида рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман: мутахассисларнинг қайд этишича, инсоннинг нормал овқатланиши учун ҳар бир кишига ўртача йиллик 113 килограмм сабзавот, 50,4 килограмм картошка, 19,3 килограмм полиз, 21,3 килограмм мева ва узум, 40 килограмм гўшт, 140 литр сут, 121 дона тухум, 0,8 килограмм асал ва бошқалар талаб қилинар экан.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигида бу маҳсулотларнинг аксарият қисми томорқада етиштирилади. Демак, ҳар бир оила хонадони олдидаги томорқадан унумли фойдаланса, аввало ўша оиланинг дастурхони тўкин, унда ўсаётган авлод жисмонан соғлом бўлади, оиланинг иқтисодий аҳволи ҳам яхшиланиб, турмуши фаровон бўлади.

Қолаверса, томорқада меҳнат қилиш оила аъзоларининг ўзаро аҳиллигига, меҳр-оқибатли бўлишига, шу орқали оилалар мустаҳкамлигига замин яратади.

II-БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Аҳолининг шахсий томорқа хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида (деҳқон хўжалигида) қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

Томорқа ер участкаси — қишлоқ хўжалик маҳсулотини эркин савдо ҳамда оила эҳтиёжлари учун етиштириш, шунингдек якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш мақсадида оила аъзоларидан бирига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ўлчамларда ажратиб бериладиган ер участкасидир.

Томорқа участкалари кенг оммалашган бўлиб, улардан уй хўжаликларининг 99,6 фоизи фойдаланади. Участкаларнинг ўртача катталиги 0,15 гектарни ташкил қилади. Томорқа участкасига эга бўлган уй хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қонунларда таъқиқланмаган ҳар қандай тури, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шуғулланишга ҳақли.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор тараққиёти иқтисодиёт соҳаларининг мутаносиб ривожланиши натижаси ҳисобланади. Айни вақтда, томорқа хўжалиги асосидаги тадбиркорлик турларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиб ривожлантирилиши аҳолининг фаровонлик даражасининг ўсиб боришига хизмат қилади. Аҳолининг томорқа хўжаликларида ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик билан шуғулланиши уларни нафақат иқтисодий ресурсларни етказиб берувчи ҳамда пировард-натижалар истеъмолчиси сифатида, балки ишлаб чиқариш субъекти сифатида ҳам баҳолашни тақозо этади.

Мамлакатимизда томорқа хўжалигига асосланган тадбиркорлик турларини ривожлантириш ҳисобига меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмини ижтимоий–фойдали меҳнатга жалб қилиш ва шу

тарика, жамиятдаги ишсизлик муаммосининг кучайиб бориш хавфини барҳам топтиришга эришилади. Томорқа хўжалиги аъзоларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириши билан шуғулланишлари, бир томондан, ўз эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, бозорни ҳам кундалик муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўйинтириш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга олиб келган бўлса, иккинчи томондан, аҳолининг реал даромадлари ошиши натижасида уларнинг ижтимоий кафолатлари мустаҳкамланди.

Томорқа хўжалиги асосидаги тадбиркорликни ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг омили ҳисобланса, бу ўз навбатида, жамиятдаги ижтимоий барқарорлик мазкур хўжалик турларининг янада ривожланиши ва аҳоли фаровонлигининг ўсишига олиб келиши Ўзбекистонга хос хусусият ҳисобланади.

III боб. Шахсий томорқа хўжаликларида даромадларни ошириш имкониятлари.

3.1 Шахсий томорқа хўжалигида даромадларни ошириш йўллари

Кўп йиллар давомида мулкчилик устидан мустабид тузумнинг якка ҳукмронлиги натижасида ердан фойдаланишда ва ишлов беришда жамоа русумига ўтилди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, ишнинг кўзини биладиган тадбиркор деҳқон билан хўжа кўрсинга ишлайдиган, кун ўтказишга рози бўлган дангаса биргаликда бир далада ишлайдиган бўлди. Якка тартибда фаолият кўрсатадиган деҳқонларнинг томорқалари колхозларни кенгайтириш учун тортиб олиниб, қисқартирилди.

Улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар чегараланди. "Якка тартибда деҳқонларга томорқа бериш пахтани ўрнидан берилса, одамларни ким боқади" баҳонаси билан таъқиқланди.

Республикамиздаги собиқ жамоа хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган сабзовотларнинг ҳосилдорлиги гектарига 16-18 тоннани ташкил этар эди. Ҳар қандай хўжалик раҳбари нари борса гектаридан 20 тоннагача етказиб сабзавот етиштирар эди.

Тажрибали деҳқонлар эса ана шундай ҳосилни 8-10 сотих томорқадан ҳеч қийналмасдан олишмоқда. Бу борада муайян амалий тажрибалар бор. Бодринг маҳсулотини 1 килограмми ўртача 200 сўмдан олинса, 8-10 сотих ердан 1.400.000- 1.800.000 сўм.

Маккажўхори донининг 1 килограми ўртача 450 сўмдан 900000 сўм. Поясидан - 200000 минг сўм.

Турпнинг 1 килограми 300 сўмга сотилганда ҳам 900000 сўмдан, 1.000.000 сўмгача даромад олинади. Жами томорқадан олинган маҳсулотларни пули жамланса, йил давомида томорқачи камида 3000000 сўмгача даромад қилмоқда.

Изоҳ ўрнида таъкидлаш керакки, бодрингнинг 1 kilosини нархи эрта чиқарилганда 4000-5000 сўмдан тушмайди. Турпнинг нархи эса 500 сўмдан, бир боғ маккажўхорининг пояси эса 300-400 сўмдан кам бўлмаган.

Қизирик туманидаги Х.Эшонов сув истеъмолчилари уюшмасида Б.Умиров томорқа хўжалиги узумчиликка ихтисослашган. Бу хўжалик миришкорлари бутун республика бозорларини маҳаллий хўраки, хусайни узуми билан таъминлайди. Худди юқоридагидек, 8-10 сотиҳ ердан 3,5 тоннадан 5 тоннагача узум етиштирадилар. Узумни кўтарасига улгуржи нархда 300 сўмдан 700 сўмгача сотадилар ёки сақлаб қиши билан майдалаб сотиб чиқадиладар. Ҳар йили 6 миллиондан 10 миллион сўмгача даромад қиладиладар.

Қизириклик деҳқонларнинг яна бир ўзига хос одатлари турмуш тарзига айланган. Бу ҳам бўлса томорқа участкаларинда нафақат бир хил экин, балки иккит ва ундан ортиқ қишлоқ хўжалиги экинлари экиб даромад оладиладар.

Бу қишлоқларда ҳар бир деҳқон оиласининг кўрасида соғин сигир ва камида 4 бош қўй боқилади. Сут, қаймоқ, қатик, энг муҳими сариеғ билан таъминланган, уни сотиб олиш учун харажат қилишга ҳожат қолмайди.

Бундан ташқари бу қишлоқлардаги хонадонлар тухум ва гўшт етиштириш учун хонаки товук, ўрдак, ғоз каби парандаларни ҳам боқадиладар. Уларни тажрибалардан келиб чиқиб, томорқада паррандачиликни йўлга қўйилса, яхшилаб парвариш қилинса, йил давомида битта товук учун 45 килограмм дон сарф этилади.

Томорқаси бор ҳақиқий деҳқон қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш учун бозорга чиқмайди, оиласини ўзи тўлиқ таъминлайди, ортиқчасини сотади, натижада бозор маҳсулотга тўлади. Бозорда маҳсулот салмоғи ортиб борган сари рақобат юзага келиб, нарх-наво ўз-ўзидан арзонлашади. Бундан ташқари томорқа хисобига қўшимча иш жойлари яратилади. Фарзандларимизнинг бемаъни ишлар билан шуғулланишининг

олди олинади, бекорчиликка, ишсизликка барҳам берилади, улар ўз пешона тери билан ҳалол яшашга ўрганадилар.

Демак, хонадон томорқасида шахсий ёрдамчи хўжаликни кескин ривожлантириш ҳаммамизга фақат наф келтиради.

Айрим томорқачи деҳқонлар 4 тадан 120 тагача асалари оилаларини ҳам боқадилар. Оллоҳ томонидан инсонга инъом этилган неъматнинг мазасини ҳам, фойдасини ҳам яхши биладилар.

Шундай мисоллардан Гулобод маҳалласидаги С.Умиров, Б.Қурбонов, С.Кўчаровларнинг ўз томорқаларида олиб борилаётган ибратли ишлар тўғрисида жуда кўп гапириш мумкин.

Х.Эшонов СИУ да шундай оилалар борки, томорқа хўжаликларида етиштирилган маҳсулотни нафақат Сурхондарё вилоятида, балки қўшни вилоятлар одамлари ҳам юқори баҳолайдилар.

Шунингдек, тадқиқот қилинаётган оилаларда нафақат очиқ томорқа участкаларида тадбиркорлик фаолиятини кўрсатадилар, балки эртапишар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун махсус иссиқхоналардан фойдаланадилар. Уларда укроп, карам, лимон, помидор, бодринг каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. Бундай иссиқхоналарда томорқачиларнинг соф даромадлари 5-7 миллион сўмдан ортиқ бўлмоқда. Натижада қиш фаслидан уч ой, баҳордан бир, куз ойидан бир ой ҳисобига жами беш ой давомида вилоятимиз ва унга қўшни бўлган бозорлар лимон, карам, бодринг, помидор билан таъминламоқдалар. Юқорида келтирилган маҳсулотларнинг нархи ноябр, декабр, январ, март ойларида 2000-3000 сўмдан юқори нархларда сотилиши ҳеч кимга сир эмас. Албатта, бу иш ҳамма деҳқоннинг ҳам қўлидан келавермаслигини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Ердан, томорқадан унумли фойдаланишда Х.Эшонов СИУ тадбиркорлари ҳам анча - мунча деҳқонлардан қолишмайдилар. Улар ҳар бир сотиҳ ердан унумли фойдаланиб, қишин-ёзин шаҳар халқини оқсил ва витаминларга бой бўлган кўкатлар билан мунтазам таъминлаб турадилар. Бу мисоллар оқилона иш тутиб кичкинагина томорқадан ҳам яхшигина

даромад олиш мумкинлигини тарғиб қилиб, янги томорқа соҳибларига ҳам ибрат бўлсин учун юқоридаги мисолларни батафсил келтирмоқдамиз.

Афсуски, республикамизнинг барча жойларида ҳам томорқачилар, деҳқонлар томонидан юқоридагидек ишлар қилинаётгани йўқ. Айрим оилалар борки, 10,15,20 сотиҳ томорқаси бўла туриб, арзимаган ерга уруғини сепиб қўйса кўкариб ётадиган кўк пиёз, картошка, укроп, кашнич каби маҳсулотларниҳам бозордан сотиб олади.

Томорқа участкалари йилнинг 12 ой давомида деярли бўш ўтади. Экин ҳам номига экилгани учун қорамол ва паррандани асраш тўғрисида гапиришнинг ҳожати йўқ. Бу оилада шундай турмуш тарзи билан барака бўлмайди, қора қозон гўшт билан қайнамайди. Озиқ-овқат маҳсулотларига камчилиги бор бўлган оилада мураса қочади. Маълумки, деҳқон учун ер-етказиб берувчи, асосий манба. Билганлар ана шу манбадан унумли фойдаланиб, бой-бадавлат, тўкин сочин ҳаёт кечирмоқдалар. Ерни ишлатмоқда, ерга ҳақиқий эгалик қилмоқда. Бозордан қозонга тушадиган гўшт, пиёз, сабзи, картошка ва бошқа сабзавотларни мутлақо сотиб олмайди.

Томорқасига йил давомида оиласи учун ётадиган юқоридаги маҳсулотларни экади, кераклигини таъминлайди. Қишга сақлаб қўяди, ортганини бозорга чиқариб сотади.

Юқоридагиларга амал қилган ҳолда мустақиллик йилларида берилган томорқаларни тўла-тўқис халққа, деҳқонга хизмат қилишини таъминламоғимиз керак. 1991-1992 йилларда ва ундан кейин берилган томорқаларнинг атрофи ўралган-ўралмаган аҳволда, қаровсиз ётган оилалар ҳам мавжуд.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ажратилган томорқалардан мунтазам фойдаланиш зарур. Экилмасдан бўш қолишига мутлақо йўл қўйиш мумкин эмас. Томорқада экиладиган экинларни шундай тақсимлаш керакки, ундан етиштирилган маҳсулот бозорни таъминлабгина қолмай, балки йил давомида оилага етиб ортадиган ва кундалик эҳтиёж учун зарур

бўлган етиштирилган картошка, пиёз, сабзи ва бошқа маҳсулотлар билан таъминласин.

3.2 Иқтисодий самарадорликни ошириш томорқа хўжаликларида даромадни кўпайтиришнинг муҳим шартидир.

Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган барча талабларини қондиришда жонли ва буюмлашган меҳнатнинг аҳамияти улкан. Чунки у қийматни яратади, қолаверса, инсоннинг онгли—мақсадга йўналтирилган фаолиятидир. У билан меҳнат предметлари ҳамда воситалари уйғунлашган ҳолда иш жараёни амалга оширилади. Бу жараённинг маҳсули қиймат ҳисобланади. Демак, талабни қондира олиш қобилиятига эга бўлган маҳсулотларни етиштириш, хизматларни бажариш инсоннинг жонли фаолияти (меҳнати) билан меҳнат предметлари ва воситаларининг мақсадга мувофиқ боғланишига боғлиқ. Уларнинг миқдори, сифати бевосита юқоридаги омилларга боғлиқ. Лекин инсон ва унинг онгли фаолияти бўлмаса ҳеч қандай маҳсулот яратилмайди, иш ёки хизмат бажарилмайди. Шундай экан, фақат инсон ўзининг онгли фаолияти билан маҳсулотларни яратади.

Томорқа хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда табиий шароитнинг (ҳарорат, ёғин ва иссиқ кунлар миқдори) аҳамияти катта. Ишлаб чиқариш инсон меҳнати ҳамда меҳнат предметлари ва воситалари, табиий шароитларни эътиборга олган ҳолда самарали уйғунлашишини талаб этади. Инсон шу ишлаб чиқариш воситаларини маълум ҳудудда, даврда ишга солиб, ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширади. Бу жараён бир қанча меҳнат жараёнларини ўз ичига олади. Жумладан, экинлар экиладиган ерларни ҳайдаш, экишга тайёрлаш, экиш, сув бериш, ишлов бериш, ҳосилни териб олиш ва бошқалар. Ишлаб чиқариш жараёнининг самараси, аввало, инсоннинг онгига, билимига, малакасига, муносабатига, қолаверса, фан-техника тараққиётига, ишлаб чиқариш воситаларининг

сифатига, ҳолатига ва ниҳоят, табиий шароитга боғлиқ. Демак, инсон ўз фаолиятини уларнинг барчасини оқилона, удабуронлик билан самарали ишга солишга қаратиши керак. Шундай меҳнат иқтисодий категория ҳисобланади. Унинг табиати ишлаб чиқариш муносабатлари билан белгиланади. Қишлоқ хўжалигида меҳнат тармоқнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хусусиятларга эга:

- меҳнат ва унинг самараси табиий шароит билан боғлиқлиги;
- меҳнатдан фойдаланишга ишлаб чиқариш мавсумийлигининг таъсир қилиши;
- томорқа хўжалигидаги меҳнатнинг ўсимликлар ҳамда тирик мавжудотлар (ҳайвонлар, ўсимликлар) билан узвий боғланганлиги;
- қишлоқдаги меҳнат савияси ва билим даражасининг нисбатан пастлиги;
- тармоқда тор доирадаги ихтисослашишнинг камлиги;
- томорқа хўжалигида сарфланаётган меҳнат таркибида аёллар ва ёшлар меҳнати салмоғи (ҳиссаси) нинг кўплиги;

Таъкидланган хусусиятлар томорқада сарфланадиган меҳнатнинг миқдорига, сифатига ва самарасига бевосита таъсир этади. Турлича табиий шароитда, ҳар хил даражада ихтисослашган томорқа хўжаликларда бир хил иш жараёнларини амалга ошириш учун ҳар хил миқдорда бир турдаги меҳнат сарфланади, унинг самарадорлиги ҳам бир-биридан фарқ қилади. Кеч куз, қиш ва эрта баҳорда меҳнат сарфи кескин камайиб, ҳосилни йиғиб олишда унга бўлган талаб ортади. Шу даврда мавсумий ишчилар ишга жалб этилади.. Томорқа хўжалигидаги меҳнат таркибида аёллар меҳнатининг салмоғи ҳозирги даврда анча юқори. Шунинг учун ҳам тармоқда меҳнатга тўланаётган ҳақ камроқ. Қишлоқ хўжалигида меҳнат жараёнини амалга оширишда унинг самарали бўлишини таъминлаш учун барча хусусиятларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Мавжуд меҳнат ресурсларининг 40 фоиздан ортиғи қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатади. Улар ўзларининг онгли, мақсадли меҳнатлари билан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, унинг

самардорлигини юксалтиришга улкан ҳисса қўшиши лозим. Демак, уларнинг меҳнатлари унумли бўлиши керак. Шу билан «меҳнат унумдорлиги» тушунчаси пайдо бўлмоқда. Меҳнат унумдорлиги деганда, фойдаланилаётган техникалар, технологиялар ёрдамида бир бирликдаги маҳсулотни етиштириш, ишни бажариш учун сарфланадиган вақтнинг миқдорини назарда тутиш лозим. Бу «Меҳнатни тежаш» иқтисодий қонунининг амал қилишидан далолат беради. Меҳнат унумдорлигининг амалиётдаги тушунчаси ҳам мавжуд. Яъни сарфланаётган бир бирликдаги вақт ичида яратилган қиймат ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш меҳнатнинг унумдорлик даражасини ифодалайди. Меҳнат унумдорлиги тўғрисидаги бу тушунчалар бир-бирини инкор этмайди, аксинча тўлдиради. Томорқа хўжалигида меҳнат онгли, мақсадга йўналтирилган бўлса, унинг унумдорлиги юқори бўлади. Бу эса тармоқнинг ривожланишини таъминлайди.

Меҳнат ресурслари томорқа хўжалигини ривожлантиришда ишлаб чиқариш ресурсларининг энг фаол омили сифатида катта аҳамиятга эга. Улар ишлаб чиқариш жараёнида онгли равишда қатнашиб, кўпроқ, сифатлироқ маҳсулотларни талабни қондирадиган миқдорда етиштиришга, иш ва хизматларни бажаришга ҳаракат қилади. Шундай экан, улардан йил давомида тўлиқ, самарали фойдаланишга эришиш лозим. Бунинг учун меҳнат ресурсларидан фойдаланилаётганлик даражасини аниқлаш керак. Уни аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

а). Мавжуд бўлган меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффиценти.

б). Меҳнат ресурсларининг хўжалик фаолиятида қатнашиши (1 ойда, 1 йилда).

в). Меҳнатнинг мавсумийлик коэффиценти.

г). Меҳнатнинг унумдорлиги даражаси.

Бу кўрсаткич етиштирилаётган бир бирликдаги (цен, тонна, сўм) маҳсулот учун қанча вақт сарфланганлигини ёки сарфланган бир бирликдаги вақт эвазига қанча маҳсулот етиштирилганлигининг,

хизматлар бажарилганлигининг даражасини ифодалайди. Маҳсулот бирлигига сарфланган жонли меҳнат миқдори камайса ёки сарфланган бир бирлик меҳнат эвазига етиштирилган маҳсулот бирлиги кўпайса, меҳнат унумдорлиги ошганлигидан далолат беради. Бу кўрсаткич томорқа хўжалигида айрим иш, маҳсулот турлари, даврлари ҳамда хўжалик миқёсида натура ҳамда қиймат кўринишида аниқланади. Унинг даражасини қиймат кўринишида бир неча йиллар давомида аниқлашда қиёсий баҳолардан фойдаланиш лозим. Шунда томорқа хўжалик маҳсулотлари баҳолари ўзгаришининг таъсири бартараф этилади. Юқорида келтирилган кўрсаткичлар ёрдамида шахсий томорқа хўжалиги ишлаб чиқаришида қатнашаётган меҳнат ресурсларидан қандай фойдаланилаётганлик ҳамда сарфланаётган меҳнатнинг унумдорлик даражаси аниқланиб, чуқур таҳлил этилади.

3.2.1-жадвал.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга кетган меҳнат сарфи (киши/соат ҳисобида) (2012-йил)²³

№	Кўрсаткичлар	Томорқа хўжалиги	Бошқа турдаги хўжаликлар
1	Картошка	20-22	25-30
2	Ер ёнғоқ	15-18	22-30
3	Узум	6-8	15-18
4	Карам	10-16	20-22
5	Кўкатлар	10-12	20-25

Жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки (3.2.1-жадвал), томорқа хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотларга кетган меҳнат сарфи бошқа хўжаликларда етиштирилаётган худди шундай маҳсулотларга

²³ Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан қайта ишланган.

нисбатан сезиларли даражада кам. Чунки, томорқа хўжаликларида меҳнат унумдорлиги ва интенсивлиги юқори.

Шу кўрсаткичлар ёрдамида томорқа хўжалигида банд бўлган меҳнат ресурсларининг салмоғи, улар меҳнатининг унумдорлик даражаси аниқланиб, таҳлил қилиниши мумкин. Шунинг натижасида тармоқда меҳнат ресурсларининг бандлигига оид чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши мумкин.

Томорқа хўжаликларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- ер-сув ислохотларини доимий такомиллаштириб бориш;
- мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерларда ирригация ва мелиорация тадбирларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш;
- замонавий, самарали техникаларни, илғор технологияларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий этиш;
 - илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни йўлга қўйиш;
 - экологияга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда маҳаллий ва минерал ўғитлардан оқилона фойдаланиш;
 - агротехник тадбирларни сифатли амалга ошириш;
 - ишчи ва хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш;
 - ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш ва эркинлаштириш.

Иқтисодий фанларда «самара» ва «иқтисодий самарадорлик» тушунчалари мавжуд. Улар мамлакат, тармоқ, корхона ва айрим маҳсулотлар бўйича аниқланиши мумкин. «Иқтисодий самарадорлик» тушунчаси «самара» тушунчасига нисбатан кенгроқ мазмунга эга. Иқтисодий самарадорлик деганда маълум даврда амалга оширилган тадбирлар билан боғлиқ бўлган харажатлар улар натижасида олинган соф фойда суммаси билан таққосланади. Шунда сарфланган харажатлар эвазига олинган соф фойда суммаси қанча кўп бўлса, иқтисодий

самарадорлик даражаси шунча ошган ҳисобланади ва аксинча. Самара эса бирор тадбирни амалга ошириш орқали эришилган натижани ифодалайди. Масалан, минерал ўғитлардан фойдаланиш натижасида ҳосилдорликнинг ошиши ва бошқалар.

Томорқа хўжалигида етиштирилаётган маҳсулот миқдорини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, харажатларни тежаш иқтисодий самарадорлик даражасини оширишга олиб келади. Демак, иқтисодий самарадорликнинг ўсиши давлатнинг ҳам иқтисодиёти юксалиши негизидир. Шунинг учун бу масалага республикамизда алоҳида эътибор берилмоқда. Республикамиз ҳукумати томонидан томорқа хўжалиги фаолиятининг самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, уларга кредит олишда, солиқлар тўлашда имтиёзлар яратилмоқда. Буларнинг барчаси томорқалар фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги юксалишини таъминлашга қаратилгандир.

Иқтисодий самарадорликка баҳо беришда мутлақ ва нисбий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасинининг 1999-йил 5-февралдаги 54-сонли Қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари аниқланади.

Иқтисодий самарадорликка баҳо беришда фойдаланиладиган асосий кўрсаткичлардан бири – фойдадир. Фойда суммаси орқали ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва томорқанинг иқтисодий салоҳиятига баҳо бериш мумкин.

Иқтисодий самарадорликка баҳо беришда мутлақ кўрсаткичлар билан бир қаторда нисбий кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади. Улардан бири рентабеллик даражасидир.

Рентабеллик даражаси томорқалар фаолиятининг иқтисодий самарадорлигига баҳо беришда қўлланиладиган асосий мезон кўрсаткич

ҳисобланади. Рентабеллик даражаси қилинган харажатларнинг самарадорлигини тавсифлайди, яъни қилинган ҳар бир бирлик харажат эвазига қанча соф фойда олинганлигини кўрсатади.

Бу кўрсаткич ёрдамида корхона, тармоқ миқёсида ёки алоҳида маҳсулотлар турлари бўйича харажатларнинг иқтисодий самарадорлик даражаси аниқланади. Бу кўрсаткичлар даражаси қанчалик юқори бўлса, бу иқтисодий самарадорлик даражаси ҳам шунчалик юқори эканлигидан далолат беради. Масалан, рентабеллик даражаси 20 фоиз бўлса, бу қилинган ҳар минг сўм харажат эвазига 200 сўмдан соф фойда олинганлигини англатади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида бозор муносабатлари босқичма-босқич шакллантирилмоқда. Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти, шунингдек, даромадлари ҳам ортиб бормоқда. Лекин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоларига нисбатан саноат маҳсулотлари баҳоларининг ўсиш даражаси юқори бўлганлиги учун тармоқда олинаётган соф фойда суммаси доимо ҳам ортаётгани йўқ. Масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 1991-1998-йилларда ўртача сотиш баҳоси 15150,9 мартага ошган бўлса, саноат маҳсулотларининг ўртача сотиш баҳолари 134431 мартага ошган. Улар ўртасидаги мутаносибат 1:8,9 га тенг. Бундай ҳол қишлоқ хўжалигида фойданинг ошишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан барча тармоқларда бўлгани сингари қишлоқ хўжалигида ҳам иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида сўнгги йиллардаги иқтисодий ислохотлар ижобий натижа бермоқда. Жумладан, ишлаб чиқариш ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш натижасида тармоқнинг ялпи маҳсулоти ҳажми ошмоқда ва самарадорлик даражаси ҳам яхшиланиб бормоқда.

Шахсий томорқа хўжаликларининг иқтисодий самарадорлик даражасига бир қанча омиллар таъсир этади. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

- томорқа хўжалиги ерларининг ҳолати, улардан фойдаланиш даражаси;

- хўжаликларнинг ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланганлик ва улардан фойдаланиш даражаси;

- меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳолати ва меҳнат унумдорлиги даражаси;

- ишлаб чиқаришнинг интенсивлашганлик даражаси;

- қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ва чорва ҳайвонларининг маҳсулдорлиги;

- баҳолар, солиқлар ва тўловлар даражаси;

- сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳолати;

- оила аъзоларинингнинг моддий ва маънавий манфаатдорлик даражаси;

Томорқа хўжалигининг даромадларини, ялпи ва соф фойдаларини келажакда янада кўпайтириш унинг барча тармоқларида бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган ташкилий, техникавий, технологик ҳамда иқтисодий тадбирлар тизими ҳаётга ўз вақтида, сифатли татбиқ этилишини объектив равишда тақозо этади.

Томорқа хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун қуйидаги тадбирларга эътибор бериш лозим:

1) Томорқа хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш тадбирлари:

- экинларнинг серҳосил навларини танлаш;

- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув таъминоти тадбирларини ривожлантириш, суғоришнинг тежамкор усулларини жорий этиш;

- чорва ҳайвонларини сифатли озуқа билан таъминлаш ва озиқлантиришни талаб даражасида амалга ошириш;

- экологияни эътиборга олган ҳолда маҳаллий ва минерал ўғитлардан ҳамда кимёвий воситалардан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишни талаб даражасида таъминлаш;

- маҳсулотларнинг сифатини, уларни ташиш ва сақлаш жараёнларини яхшилаш тадбирларини тезкорлик билан амалга ошириш ва бошқалар.

2) Бозор иқтисодиёти муносабатларини томорқа хўжалигига жорий этишни эркинлаштириш ва жадаллаштириш тадбирлари:

- саноат ҳамда томорқа хўжалик маҳсулотлари баҳолари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, сотиш жараёнини эркинлаштириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик турларини ривожлантириш;

- қишлоқ хўжалигида инфратузилма соҳаларини ривожлантириш;

- томорқа хўжалиги маҳсулотларини хорижий мамлакатларга экспорт қилишни қўллаб-қувватлаш ва ҳоказо.

Бу тадбирлар, аввало етиштириладиган маҳсулотлар миқдорини талаб даражасида кўпайтиришга ва уларнинг сифатини яхшилашга қаратилган бўлиши зарур. Маҳсулотлар миқдори экин майдонларини кенгайтириш ҳамда уларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига кўпайтирилиши мумкин. Экин майдонларини кўпайтириш учун янги ерларни ўзлаштириш талаб этилади, лекин бунинг имкониятлари чекланган. Шунинг учун асосий эътиборни экинларнинг ҳосилдорлигини оширишга қаратиш зарур. Бунинг учун экинларнинг янги, серҳосил, тезпишар навларини яратиш, ирригация ва мелиорация иншоотлари ҳолатини яхшилаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш натижасида тупроқнинг унумдорлиги ошишини таъминлаш лозим. Шу билан биргаликда экинларни алмашлаб экишни илмий асосланган ҳолда кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ. Алоҳида эътибор ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилиши зарур.

Янги техника, илғор технологияларни ҳаётга жорий этиш натижасида меҳнат харажатлари камайишига эришиш мумкин. Бу жараён

ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, агросаноат интеграциясининг ривожлантирилиши билан бевосита боғлиқдир.

Ялпи фойданинг кўпайиши маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар тежалишини ҳам тақозо этади. Шунинг учун маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган жараёнларни такомиллаштириш лозим. Юқорида таъкидланган тадбирларни амалга ошириш томорқа хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги ошишини таъминлайди.

3.3 Қишлоқ хўжалигида аҳоли даромадларини ўсишига таъсир этувчи омиллар ва муаммолар.

Ўзбекистонда аҳоли даромадларининг ошиши кўп жиҳатдан аграр сектордаги ўзгаришларга боғлиқ. Мамлакат аҳолисининг 60 фоиздан зиёди қишлоқ жойларида истиқомат қилади.

Республика иқтисодиётининг бошқа тармоқлари ҳам аграр секторнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги ички товар айланмасининг бевосита 70 фоизгача қисмини таъминлайди. Маҳаллий қишлоқ хўжалик секторида мамлакатда истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг 90% дан ортиқ ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Мамлакат саноатининг пахта тозалаш, тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик, пойабзал ишлаб чиқариш, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, мева-сабзавотларни қайта ишлаш, ёғ-мой ишлаб чиқариш тармоқлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан бевосита боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги, маҳаллий қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари, минерал ўғитлар ва ўсимликларни химоялаш воситаларини ишлаб чиқарувчи кимё саноати корхоналари, электр энергияси, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг маҳсулот етказиб беришлари учун бозор

инфраструктурасини яратади. Бундан ташқари, хом ашё ва қайта ишланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти бевосита мамлакат валюта тушумларининг ярмини таъминлайди.

1981-1990 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ўсиш суръати атига 2 фоизга, деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши эса ундан ҳам паст бўлган, мамлакат аҳолисининг ўсиш суръати эса бу пайтда йилига 2,6 фоизни ташкил қилган. Яъни Ўзбекистонда бозор ислохотлари бошланишидан 15 йил аввал қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати қишлоқ аҳолисининг ўсиш суръатидан паст бўлган ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражасининг ўсишига хизмат қилмаган. Бундан ташқари, ўтган аср 90-йилларининг бошларида республика қишлоқ хўжалиги, қолган бутун иқтисодиётдаги каби, кучли инқирозни ўз бошидан кечирди.

1997-йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги қайта тиклана бошланди. 2000-йилга келиб қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ялпи ҳажми (солиштирма нархларда) 1990-йилдаги ислохотларгача бўлган даражадан ошди.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни таркибий қайта қуриш жараёни 2004-йилгача асосан пахта майдонларида дон экинларини экиш эвазига қисқартириш ва мамлакатга четдан олиб келинган бошқа озиқ-овқат истеъмол маҳсулотлари салмоғини ошириш ҳисобига йўналтирилган эди. Ўз навбатида, ҳар бир минтақанинг табиий-иқлим шароитларига мос келадиган пахта ва айниқса дон экинларининг оптимал навларини тадбиқ этишни такомиллаштириш, дон экинларининг илмий асосланган агромаданиятини қайта тиклаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўплаб турларига давлат буюртма тизимини бекор қилиш ҳамда пахта, бошоқли дон ва шוליға давлат хариди ҳажмини қисқартириш борасида кўпгина ижобий ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, аграр сектордаги институционал ислохотлар 2003-йилгача жуда секин кечди. Жамоа хўжаликлари ўрнига ташкил қилинган ширкатлар самарали фаолияти кўрсатмади. Зарар кўриб ишлаётган ширкатлар сони уларнинг

умумий ҳажмида йилига 40 фоизгача бориб етди. Маълум маънода бу, пахта ва дон харид нархининг 2004-йилгача жаҳон нархлари даражасидан паст бўлганлиги билан ҳам боғлиқ эди. Қишлоқ хўжалигига киритилаётган бюджет ва хусусий инвестициялар ҳажми бошқа саноат ва ижтимоий тармоқларга нисбатан анча паст бўлиб, бу мелиорация тизимлари ва насос хўжаликларининг техник ҳолатини сақлаб туриш имконини бермади.

Аграр сектордаги ислохотлар динамикаси ва эришилган юқори натижаларга қарамай, бу ерда ер ресурсларининг сифати ва суғориш учун сув ресурсларининг чекланганлиги билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолмоқда.

А) Ер ресурсларининг сифати. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган умумий ер майдони 17,8 млн. гектарни ташкил қилиб, шундан 25 фоизи ҳайдаладиган ерларга тўғри келади. Охирги 15 йил ичида қишлоқ хўжалик майдонларининг ҳажми асосан яйлов ва ўтлоқлар, боғ ва узумзорлар ҳисобига 5 фоиздан кўпроққа, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда – 22 фоизга қисқарди. Суғориладиган ерларнинг ҳар бир гектарига мамлакат аҳолисининг 8 кишиси тўғри келади. Аҳолининг ўсиш суръати суғориладиган ер майдонларининг ўсиш суръатидан анча юқори бўлиб, охирги 25 йил ичида мамлакат аҳолисининг ҳар бир кишисига тўғри келадиган ҳайдаладиган ерларнинг 0,22 гектардан 0,13 гектаргача қисқаришига олиб келди. Осиё тараққиёт банкининг баҳоларига кўра мавжуд тенденциялар сақланиб қоладиган бўлса, кейинги 30 йил ичида суғориладиган ер майдонлари яна 20-25 фоизга қисқаради.

Шу билан бир пайтда қишлоқ хўжалик майдонлари сифатининг пасайиши кузатилмоқда. 1990-2000 йилларда суғориладиган ерларда тупроқнинг ўртача бонитети бали 58 балдан 55 балгагача пасайди. Қорақалпоғистон Республикаси (41 балл), Тошкент, Жиззах, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида (мос равишда 49-52 балл) ер сифатининг пастлиги қайд этилди.

Шамол ва сув эрозиясидан 3 млн. гектардан ортиқ ерлар азият чекмоқда. Ушбу сабабга кўра, мавсум давомида ҳосилдор қатламдаги ўртача йўқотишлар ҳар гектарга 80 тоннага етади. Чорва молларини боқиш ва техноген бузилишлар туфайли зарар кўраётган ўтлоқ ва яйловлар майдони 7,4 млн. гектарни ташкил этди, 5 млн. гектардан ортиқ яйловлар чўлга айланиб бормоқда. Сув ва шамол эрозияси муаммолари, ўрмонлар майдонини 2000-йилда 8,5 млн гектардан 2004-йилда 8,1 млн гектаргача қисқариши сабабли янада кескинлашмоқда. Тупроқларнинг қарийб 54 фоизи пестицидлар билан ифлосланган, 80 фоиздан ортигининг таркибидаги зарарли моддалар миқдори юқори.

Мамлакатда ер ресурслари чекланганлигини ҳисобга олганда, аҳоли жон бошига ҳайдаладиган ер майдонларининг қисқариши келгусида ҳам барқарор тенденцияга эга бўлади ва чекланган ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича стратегик чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Ўзбекистондаги ҳар битта деҳқон, мамлакат аҳолисининг атига 12 кишисини «боқмоқда», бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда эса бу кўрсаткич 6-8 мартадан ортиқ. Бу қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг пастлиги ва тупроқ ҳолатининг ёмонлашуви билан боғлиқ.

Жаҳон банки берган баҳоларга кўра, ернинг шўрланиши деградацияси туфайли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги йиллик йўқотишлар 31 млн. АҚШ долларини, қишлоқ хўжалик майдонларининг ишдан чиқиши натижасидаги иқтисодий йўқотишлар тахминан 12 млн. АҚШ долларини ташкил қилади.

Ернинг шўрланишини камайтириш бўйича чора-тадбирлар катта молиявий харажатларни, шунингдек, меҳнат, сув ва техник ресурсларни талаб қилади. Давлат томонидан қўллаб-қувватланишга қарамасдан, ерларнинг маҳсулдорлигини сақлаш, ошириш ва қайтадан культивациялаш учун молиявий ресурсларнинг етишмаслиги сезилмоқда. Бугунги кунда

республикадаги суғориладиган ерларнинг камида ярим ҳолатини яхшилаш (қайта таъмирлаш) учун кучли эҳтиёж талаб этилмоқда.

Б) Суғориш сув ресурсларининг чекланганлиги бутун Марказий Осиёда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам иккита энг йирик дарё – Амударё ва Сирдарёдаги сув миқдorigа боғлиқ. Суғориш учун мўлжалланган сувлар ҳар доим қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва ушбу минтақада жойлашган барча давлатлар аҳолисининг даромадларини таъминлашнинг асоси бўлиб келган. Сўнгги 40-50 йиллар давомида сувдан оқилona фойдаланмаслик минтақада катта миқёсдаги экологик инқирознинг юзага келишига, яъни Орол денгизининг қуришига олиб келди. Mountain Unlimited & Scientific Information (2003) билан биргаликда Давлатлараро сувхўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси илмий-ахборотлар марказининг (НИЦ МКВК) маълумотларига кўра, Орол инқироzi натижасида Ўзбекистон учун бевосита ижтимоий-иқтисодий харажатлар миқдори йилига 144 млн. АҚШ долларини ташкил этади (бу аҳоли жон бошига тахминан 5.7 АҚШ долларига тенг).

Асрлар давомида қўшни давлатлардан бошланувчи дарёлар ўзанидан ирригацион мақсадларда фойдаланилмасдан, сўнгги йилларда улардан энергетик режимда фойдаланиш ер ресурслари сифатига тузатиб бўлмайдиган зарар етказди ва Марказий Осиёнинг барча давлатларида 10 миллионлаб кишиларнинг ҳаётини хавф остига қўйди.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг ўзида суғориладиган ерларда деҳқончилик учун сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада оширишни талаб қилади. Суғориш мақсадларида ҳаддан ортиқ сув сарфининг асосий сабабларидан бири – магистрал каналлар, ички хўжалик тармоқлари ва бевосита далаларни суғоришда катта миқдордаги фильтрацион йўқотишлар ҳисобланади. Каналлар узунлигининг фақат 35 фоизида фильтрацияга қарши қоплама мавжуд. Хўжаликлараро ва магистрал 15 минг км. дан ортиқ каналларни (барча каналларнинг 60 фоизи) қайта таъмирлаш талаб этилади.

Ҳар йил амалга ошириладиган коллектор-дренаж тизимларини тозалаш ишлари барча эҳтиёжларнинг 60-65 фоизини ташкил қилади. Кўпчилик минтақаларда бюджетдан ёпиқ дренаж тизимларини тозалаш учун моливий ресурсларни ажратилиши етарли эмас.

Бундан ташқари, сувни тежаш технологияларидан фойдаланиш даражасининг пастлиги суғориш учун олинадиган сув миқдорининг 10-15 фоизга ошишига олиб келади.

Сув истеъмолининг юқорилигини белгилаб берувчи бошқа яна бир омил – ер ости сувларининг юқорига кўтарилиши, суғориш учун дренаж сувларидан фойдаланиш ва бошқа омиллар туфайли **ерларнинг иккиламчи шўрланиши** ҳисобланади. Бунинг натижасида шўрланган ерларнинг шўрини ювиш учун катта миқдорда сув сарфи талаб этилади, бу далаларда фойдаланилган сувларнинг 20 фоизидан ортиғини ташкил этади.

Суғориш учун ноишлаб чиқариш йўқотишларнинг яна бир тури – бу **энергия истеъмоли харажатларининг юқорилигидир**. Суғориш учун мўлжалланган сувнинг катта қисми кўп ҳолларда қайта таъмирлаш ва модернизациялашга эҳтиёж сезаётган электр насос қурилмалари ёрдамида олинади. Эскирган асбоб-ускуналар, электр энергиясини замонавий ускуналарга нисбатан 5-25 фоиз кўпроқ истеъмол қилади. Бундан ташқари, энергия таъминоти ва сув етказишнинг барқарор эмаслиги, магистрал каналларда сув даражасининг пасайиши натижасида насосларнинг фойдали иш коэффициенти жуда паст бўлиб келмоқда.

Сувдан самарасиз фойдаланиш натижасидаги йўқотишларни баҳолаш суғориш учун мўлжалланган сув нархининг тўғри ҳисоб-китоблари бўлмаганлиги сабабли анча қийинлашган. Бироқ Жаҳон банки маълумотларига кўра (2003), қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ресурслар базасининг йўқотилиши мамлакатга зарар келтирмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, биринчи навбатда, мелиорация ва сув хўжалик объектларини модернизациялаш учун катта молиявий ресурслар киритилишига эҳтиёж сезмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланиш тадбирларини қуйидаги тўртта гуруҳга ажратиш мумкин:

1) ташкилий тадбирлар, бунга қуйидагилар киради:

- илмий асосланган ер тузиш;
- ҳудудлар бўйича ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш;
- ягона ер мониторинги тизимини олиб бориш;
- давлат ер кадастрини тўлиқ амалга ошириш;
- давлат ва жамоат экспертизасини йўлга қўйиш;
- ердан фойдаланиш ва уни муҳофазалаш назоратини кучайтириш ва

ҳоказо.

2) ҳуқуқий тадбирлар, бунга қуйидагилар киради:

- табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги нормаларини такомиллаштириш;

- табиий ресурслар қонунчилиги нормаларини такомиллаштириш;
- ердан фойдаланиш нормаларини такомиллаштириш;
- экологик ҳуқуқий механизмни такомиллаштириш;
- ер ҳуқуқбузарлигига нисбатан жазонинг муқаррарлигини таъминлаш

ва ҳоказо.

3) иқтисодий тадбирлар, бунга қуйидагилар киради:

- ҳолати ёмон ерларни имтиёзли солиққа тортиш;

- тупроқ муҳофазаси тадбирларини кредитлаш;

- қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи тадбиркорларнинг ер ва сувдан самарали фойдаланиш бўйича манфаатдорлигини ошириш;

- ерларни рекултивация қилиш (қайта тиклаш) ва мелиоратив ҳолатини яхшилашга давлат томонидан бериладиган кўмакни такомиллаштириш ва ҳоказо.

4) технологик тадбирлар, бунга қуйидагилар киради:

- ерларни тубдан рекултивациялаш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш технологияларини ишлаб чиқиш;

- алмашлаб экиш тизимини жорий этиш ва унга қатъий амал қилиш;

- ноқишлоқ хўжалик ва саноат ўзлаштиришнинг ягона технологиясини яратиш;
- сувларни муҳофаза қилиш технологиясини жорий этиш;
- ерларни қайта тиклаш технологияларини жорий этиш;
- талаб этиладиган жойларда ихотазорлар ташкил этиш;
- эрозияга қарши кураш тадбирлари ва селларнинг салбий оқибатлари олдини олиш иншоотларини барпо этишни янада ривожлантириш ва ҳоказо.

III-боб бўйича хулоса

Меҳнат ресурслари томорқа хўжалигини ривожлантиришда ишлаб чиқариш ресурсларининг энг фаол омили сифатида катта аҳамиятга эга. Улар ишлаб чиқариш жараёнида онгли равишда катнашиб, кўпроқ, сифатлироқ маҳсулотларни талабни қондирадиган миқдорда етиштиришга, иш ва хизматларни бажаришга ҳаракат қилади. Шундай экан, улардан йил давомида тўлиқ, самарали фойдаланишга эришиш лозим.

Томорқа хўжалигида етиштирилаётган маҳсулот миқдорини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, харажатларни тежаш иқтисодий самарадорлик даражасини оширишга олиб келади. Демак, иқтисодий самарадорликнинг ўсиши давлатнинг ҳам иқтисодиёти юксалиши негизидир.

Иқтисодий самарадорликка баҳо беришда мутлақ кўрсаткичлар билан бир қаторда нисбий кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади. Улардан бири рентабеллик даражасидир.

Рентабеллик даражаси томорқалар фаолиятининг иқтисодий самарадорлигига баҳо беришда қўлланиладиган асосий мезон кўрсаткич ҳисобланади. Рентабеллик даражаси қилинган харажатларнинг самарадорлигини тавсифлайди, яъни қилинган ҳар бир бирлик харажат эвазига қанча соф фойда олинганлигини кўрсатади.

Ҳукуматимиз томонидан барча тармоқларда бўлгани сингари қишлоқ хўжалигида ҳам иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида томорқа хўжалигига асосланган тадбиркорлик турларининг иқтисодий барқарорлиги ва уй хўжалиги аъзоларининг турмуш фаровонлигини таъминлаш, иқтисодий тафаккурни шакллантириш, иқтисодий фаоллигини ошириш, тадбиркорлик кўникмаларини қарор топтириш, мулк ва оила меҳнатидан оқилона фойдаланиш, тежамкорликни амалга ошириш даражасига боғлиқ.

Хулоса ва таклифлар

Магистрлик диссертациясида амалга оширилган таҳлиллар ва тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, қуйидаги илмий-назарий хулосалар олинди:

1. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор тараққиёти иқтисодиёт соҳаларининг мутаносиб ривожланиши натижаси ҳисобланади. Айни вақтда, томорқа хўжалиги асосидаги тадбиркорлик турларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиб ривожлантирилиши аҳолининг фаровонлик даражасининг ўсиб боришига хизмат қилади. Аҳолининг томорқа хўжаликларида ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик билан шуғулланиши уларни нафақат иқтисодий ресурсларни етказиб берувчи ҳамда пировард-натижалар истеъмолчиси сифатида, балки ишлаб чиқариш субъекти сифатида ҳам баҳолашни тақозо этади.

2. Томорқа хўжалигининг иқтисодиёт субъекти сифатидаги асосий мақсади аҳолининг шахсий истеъмолини максималлаштириш ва келажагини таъминлаш учун жамғарма ҳосил этишда кўринади. Уй истеъмолини максималлаштириш бу истеъмолнинг қондирилиши даражаси ортишига олиб келадики, улар охир-оқибатда “турмуш фаровонлиги” даражасини тавсифлайди. Бунга томорқа хўжалигини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва турмуш даражасини юксалтиришнинг муҳим омили сифатида қараш керак.

3. Мамлакатимизда томорқа хўжалигига асосланган тадбиркорлик турларини ривожлантириш ҳисобига меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмини ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилиш ва шу

тариқа, жамиятдаги ишсизлик муаммосининг кучайиб бориш ҳавфини барҳам топтиришга эришилади. Томорқа хўжалиги аъзоларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириши билан шуғулланишлари, бир томондан, ўз эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, бозорни ҳам

кундалик муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўйинтириш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга олиб келган бўлса, иккинчи томондан, аҳолининг реал даромадлари ошиши натижасида уларнинг ижтимоий кафолатлари мустаҳкамланди.

4. Томорқа хўжалиги асосидаги тадбиркорликни ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг омили ҳисобланиб, аҳоли фаровонлигининг ўсишига олиб келади.

5. Бозор иқтисодиёти шароитида томорқа хўжалигига асосланган тадбиркорлик турларининг иқтисодий барқарорлиги ва уй хўжалиги аъзоларининг турмуш фаровонлигини таъминлаш, иқтисодий тафаккурни шакллантириш, иқтисодий фаоллигини ошириш, тадбиркорлик кўникмаларини қарор топтириш, мулк ва оила меҳнатидан оқилона фойдаланиш, тежамкорликни амалга ошириш даражасига боғлиқ. Шу сабабли, аҳоли даромадларини ўстириб боришнинг айнан шу жиҳатларини қарор топширишга асосий эътиборни қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Диссертация ишида томорқа хўжалигини ривожлантириш, унинг мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ролини оширишга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Давлатнинг томорқа ва деҳқон хўжалигини рағбатлантиришга қаратилган иқтисодий сиёсатининг имтиёзли солиқ турларини жорий қилиш, молия ва кредит институтлари орқали уларни имтиёзли молиялаштириш амалиётини давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

2. Томорқа ва деҳқон хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг ҳисобини юритиш механизмини йўлга қўйиш мамлакат миқёсида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг реал ҳажмини аниқ ҳисобга олиш имконини беради. Бунда қуйи бошқарув органи маҳаллалар орқали уй хўжалиги эгаларидан йилда бир марта ёки даврий тартибда сўровнома ёрдамида ишлаб чиқарган маҳсулотлари, кўрсатган хизматлари миқдорини аниқлаб бериш мақсадга мувофиқдир.

3. Томорқа хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналиши— томорқа хўжалиги билан бошқа хўжалик юритиш шакллари ўртасидаги кооперация алоқаларини ташкил этишни такомиллаштиришдир.

Бунинг учун томорқа хўжалиги субъектларининг ихтиёрий равишда кооперативларга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган агросаноат бирлашмалари таркибига бирлашишини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиб бориш лозим. Хусусан:

- қишлоқ жойларда мавсумий иш билан шуғулланувчи аҳолини қишда ҳам банд қилиш мақсадида иссиқхона тизимини ривожлантириш истиқболли йўналишдир. Бунда мавжуд пластмасса маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда ҳар томонлама қулай ва арзон кичик иссиқхоналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бу билан томорқа хўжалиги эгаларининг уларга бўлган эҳтиёжини қондириш даркор;

- мамлакатимизда ўзлаштириш мумкин бўлган катта миқдордаги ер ва ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлгани учун томорқа хўжалиги асосидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш керак. Бунда аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда суғориладиган ерларнинг томорқа учун ажратишни янада кенгайтириш лозим.

4. Томорқа хўжалиги асосидаги тадбиркорликнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини маҳалла фуқаролар йиғинларига бириктириш ва улар ижобий тавсияномалар берилган ҳолдагина ҳокимликлар томонидан қайд этилиши мақсадга мувофиқдир.

5. Томорқа тадбиркорлиги билан шуғулланувчи субъектлардан олинадиган даромад солиғидан маълум бир қисмини(1-2%) маҳалла кенгаши фондига ўтказиб бориш, бир томондан, маҳалланинг иқтисодий асосини мустаҳкамласа, иккинчидан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг фаолиятини жамоатчилик томонидан кунлик назорат қилиш ҳамда сохта тадбиркорлик, сифатсиз маҳсулот ишлаб

чиқаришнинг олдини олиш имконини беради. Бунда уй хўжалиги ўзларининг давлат пенсия таъминотини амалга ошириш, иш стажини маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда меҳнат биржалари томонидан ҳисобга олишни йўлга қўйиш даркор.

6. Томорқа хўжалигида аجدодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтадиган касб-хунар орқали ўзлари яратган маҳсулотнинг сифати «хонадоннинг обрўси-шаъни» билан боғлиқ бўлгани учун уни ўзига хос «фирма белгиси» сифатида қабул қилиб, қаллобчиликнинг олдини олиш, ушбу анъанани бозорни сифатли маҳсулот билан таъминлаш омили сифатида кенг қўллаб-қувватлаш ва тарғиб қилиш зарур.

7. Томорқа участкаларида нафақат бозорларга реализация қилинадиган маҳсулотлар (кўкат, картошка, лимон, помидор), балки уй хўжалигидаги чорва моллари учун озуқа, ем-хашак бўладиган экинлар экиш ва бу орқали аҳоли даромадларини оширишни йўлга қўйишни ривожлантириш;

8. Уй хўжалиги билан истеъмолчи ўртасида шартнома асосида томорқа маҳсулотларини етиштиришни кенг йўлга қўйиш;

9. Қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи тадбиркорларнинг ер ва сувдан самарали фойдаланиш бўйича манфаатдорлигини ошириш.

10. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофазалаш назоратини кучайтириш;

11. Томорқа ерларини рекултивация қилиш (қайта тиклаш) ва мелиоратив ҳолатини яхшилашга давлат томонидан бериладиган кўмакни такомиллаштириш ва ҳоказо.

Фойдаланилган ва қўлланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т. Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. № 5–6.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат Кодекси», Т.: «Адолат», 1996
4. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисидаги» қонуни. Т.: «Адолат», 1991
5. Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги» қонуни. Ўзбекистонни янги қонунлари, 5 —сон. Т.: «Адолат», 1993
7. Ўзбекистон Республикасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, рағбатлантириш тўғрисидаги» қонуни. «Халқ сўзи», 22 декабрь 1995
8. Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжалиги тўғрисидаги» қонуни. Т.: «Ўзбекистон», 1998
9. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни, "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 3-сон.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, N 5-6
11. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни. – Т.: 2012-йил

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони. «Халқ сўзи», 2003 йил 25 март.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурини кучга киритиш тўғрисида ПҚ-1046-сон қарори. 2009-йил 26-январь.
14. Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасинининг 1999-йил 5-февралдаги 54-сонли Қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1354-сон қарори. “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. 2010 йил 17 июнь.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1687-сон қарори. “2012-йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй жойларни қуриш дастури тўғрисида”. 2012 йил 14 январь.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

17. Каримов И.А. «Деҳқончилик тараққиёти - фаровонлик манбаи», Т.: «Ўзбекистон», 1995
18. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», Т.: «Ўзбекистон», 1995
19. Каримов И.А. «Қишлоқ хўжалиги тараққиёти - тўкин ҳаёт манбаи», Т.: «Ўзбекистон», 1998

20. Каримов И.А. Иқтисодни эркинлаштириш – фаровонлик манбаи, Сайланма асарлар. Т.: - Ўзбекистон, I Том 2001.
21. Каримов И.А. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг навбатдаги тадбирлари. Сайланма асарлар, 9-том. Т.: 2001.
22. Каримов И.А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови. Сайланма асарлар. 9-том. Т-2001.
23. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида «2007 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари» га бағишланган мажлисидаги маърузаси \\\ Туркистон. 2008 йил, 9-феврал. №11.
24. Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент И.Каримовнинг 2009-йилнинг асосий якунлари ва 2010-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2010-йил 30-январь
25. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги 2012-йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари» га бағишланган мажлисидаги маърузаси, Халқ сўзи 19.01.2013.
26. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
27. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, аънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. -Т.: Ўзбекистон, 2007.

28. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. -Т.: Ўзбекистон, 2002.
29. Каримов И.А. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси».2010-йил 12-ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма йиғилишида сўзланган нутқ.

IV. Асосий адабиётлар

30. Исмоилов А.К., Муртазаев О. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» Тошкент, «Мехнат», 2003.
31. Ҳусанов Р.Ҳ. ва бошқалар «АСК иқтисодиёти» Тошкент, 2003
32. Салимов Б.Т., Ўроқов Н.И. «Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2004.
33. Салимов Б.Т., Ҳамдамов қ.С., Юсупов М.С., Ўроқов Н.И. ва бошқалар. «Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди». Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2004.
34. А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниев. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», Т.: «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси», 2004
35. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: Шарқ, 2006.
36. И. Минаков, «Экономика сельскохозяйственного предприятия», Учебник, М.: Колос, 2004.
37. Л.И. Макавец, М.Н. Макавец, «Экономика производства сельскохозяйственного производства», Санкт Петербург, 2002
38. Г.А. Петранова, «Экономика и управление в сельском хозяйстве», М.: Академия, 2003
39. Бобокулов Ш. Ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи.// Хўжалик ва ҳуқуқ. 2003.№5.

40. Жўраев Й.О. Ер ҳуқуқий муносабатларининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари.// Ер ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ. 2002.

V. Қўшимча адабиётлар

41. Ўлмасов А. Оила иқтисоди. -Т.: Меҳнат, 1991.
42. Шодиева Г.М. Оила хўжалиги фаровонлигини оширишда ташкилий-иқтисодий омилларни ва сервисни ривожлантириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Самарқанд.: 2008.
43. Аъзамов С.М. Оилани ижтимоий ҳимоялашнинг самарали механизмини шакллантириш(Андижон вилояти мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: 2006.
44. Эгамов Д.Н. Бозор иқтисодиёти шароитида Қашқадарё вилоятида оиланинг социал-демографик ривожланиш хусусиятлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2006.
45. Ахмаджонов Х.И. Ўзбекистон хонадонлари молия ресурсларини шаклланиши ва ишлатилиши. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Т.: БМА, 2006.
46. Хасанов Р.Р. Шаклланаётган бозор муносабатлари тизимида даромадлар ва уларнинг табақаланиши. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Тошкент: ДЖҚА, 2005.
47. Аҳмедов Ф.А. Бозор муносабатлари шароитида хонадон хўжалигини ривожлантиришнинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.:2012.-28 б.
48. Кэмпбелл Р. Макконнел, Стенли Р. Брю. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. Таллин.: А.О. “Римол”, 1993.

49. Кейнс Дж. М. Избранные произведения. Пер. с англ. – М.: Экономика, 1993.
50. Хикс Дж.Р. Стоимость и капитал. -М.: Изд. Группа“Прогресс”, “Университет”, 1993.
51. Хейне П. Экономический обзор мышления. Пер. с англ. –М.: 1997.
52. Самуэльсон П.Т. Экономика1,2. -М.: “Алгон”, 1992.
53. Жеребин В.М., Романов А.Н. Уровень жизни населения./ М.: ЮНИТИ. 2002 г.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

54. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.
55. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари
56. Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.
57. Қизирик тумани Гулобод маҳалла қўмитаси маълумотлари
- 58.

VII. Интернет сайтлари

59. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти
60. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали
61. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик базаси
62. www.norma.uz – Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси
63. www.ziyouz.com – Ўзбекистон Республикаси таълим портали

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қарори**

**ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА НАМУНАВИЙ ЛОЙИХАЛАР АСОСИДА
ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШНИ КЕНГАЙТИРИШГА ОИД
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПҚ-1167-сонли «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳамда қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари ва архитектура-режалаштириш ташкилотларининг лойиҳаларига биноан тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича хусусий уй-жой қурилиши кўламини янада кенгайтириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг:

қишлоқ жойларда хусусий уй-жой қурилиши учун қишлоқ хўжалиги мақсадларига ва ўрмон фонди тоифасига кирмайдиган ерлардан ҳар бир иморат қурувчига 0,06 га ҳажмида ер участкаларини ажратиш;

тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилиши дастурини 2011-2012 йилларда амалга ошириш мақсадида, йилдан-йилга унинг ўсишини таъминлашни кўзда тутган ҳолда, республиканинг барча ҳудудларида қишлоқ хўжалиги мақсадларига ва ўрмон фонди тоифасига кирмайдиган қўшимча ер участкаларини ажратиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси, «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ лойиҳалаштириш институтига бир ой муддатда намунавий лойиҳалар асосида қурилган хусусий уй-жойлар ва ижтимоий

инфратузилма объектларини танқидий баҳолашни амалга ошириш ва уларга иморат қурувчилар учун қўшимча қулайликлар, зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш ҳамда гаражлар ва ҳовли қурилмалари учун жойлар ажратилишини назарда тутган ҳолда тегишли тузатишлар киритиш вазифаси топширилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2010 йилнинг 1 октябригача бўлган муддатда қишлоқ хўжалиги мақсадларига ва ўрмон фонди тоифасига қирмайдиган ер участкаларининг тўлиқ инвентаризациясини ўтказсин, аниқланган муҳандислик-коммунал инфратузилмага уланиши мумкин бўлган бўш майдонлардан тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича келгусида хусусий уй-жой қуриш мақсадида фойдаланишни назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси инвентаризация натижалари бўйича бир ой муддатда шаҳарлар ва туманлар бош режаларини ишлаб чиқиш жадвалини, шунингдек, архитектура-режалаштириш ташкилотларининг ҳудудларнинг 2011 — 2014 йилларга мўлжалланган лойиҳаларини тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг 2011-2012 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини шакллантиришда қуйидаги мақсадлар учун зарур бўлган марказлаштирилган манбаларни кўзда тутсин:

2009 йилда қурила бошланган 42 тураржой массивида, шунингдек, 2010 йилда қурилаётган 213 тураржой массивида ижтимоий инфратузилма объектларини комплекс тарзда барпо этиш;

«Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ орқали тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини мўлжалланган ҳажмларда қўшимча молиялаш.

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари 2010 йил 15 июлгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигига 2009-2010 йилларда барпо этилган хусусий уй-жой массивларида халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг аниқ объектларини қуриш бўйича асосланган таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Молия вазирлиги ва Марказий банк манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида таклифлар киритсин.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,

2010 йил 17 июнь,

ПҚ-1354-сон

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қарори**

**2012 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар
бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастури
тўғрисида**

Қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектуравий-режалаштириш қиёфасини янада яхшилаш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини якка тартибдаги уй-жойларни такомиллаштирилган намунавий лойиҳалар бўйича қуриш кўламини кенгайтириш ҳисобига ошириш, қишлоқда ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини жадал ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2012 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар, ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини қуриш Дастури маъқуллансин, унда:

«Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ ва Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли ипотека кредитларини жалб қилган ҳолда 2012 йилда «тайёр ҳолда топшириш» шартлари асосида намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жойларни қуриш 1-иловага* мувофиқ;

2012 йилда 2-иловага* мувофиқ якка тартибдаги уй-жой қишлоқ массивларида ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникациялари объектларини қуриш;

2012 йилда 3-иловага* мувофиқ якка тартибдаги уй-жой қишлоқ массивларида ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини қуриш асосий параметрлари назарда тутилади.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки:

ОТБ томонидан маъқулланган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» кўп траншли Дастурини молиялаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси билан Осиё тараққиёт банки ўртасида тузилган умумий миқдори 500 млн долларлик битимга мувофиқ, 2012 йилда «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ орқали қайта молиялаштириладиган 160,0 млн АҚШ доллари миқдоридаги биринчи транш қарзи берилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги ПҚ-1668-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Инвестиция дастурида намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қишлоқ массивларида сув таъминоти объектлари ва таълим муассасалари қурилиши учун республика бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қўйилмаларнинг лимитлари назарда тутилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда ўн кун муддатда «тайёр ҳолда топшириш» шартларида намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жойларни қуриш учун пудрат ташкилотларини белгилаш бўйича танлов савдолари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК билан ҳамкорликда бир ой муддатда 2012 йилда «тайёр ҳолда топшириш» шартларида намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жойларни қуриш

учун пудрат ташкилотларини белгилаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

қишлоқ аҳолиси — якка тартибда иморат қурувчиларнинг «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК билан — буюртмачи вазифасини бажаришга ва «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ билан — ипотека кредитини беришга қисқа муддатларда шартномалар тузиб бўлишлари устидан қатъий назорат ўрнатсин;

«Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК билан ҳамкорликда бир ҳафта муддатда савдо танловларини ўтказиш якунлари бўйича «тайёр ҳолда топшириш» шартларида намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуриш учун буюртмачи билан пудрат ташкилотлари ўртасида шартномалар тузилишини таъминласин;

ички автомобиль йўлларининг қурилишини молиялаштиришни, шунингдек якка тартибдаги уй-жой қишлоқ массивларида бозор инфратузилмаси объектлари қурилишини ташкил этишни мазкур қарорнинг 2 ва 3-иловаларида маъқулланган параметрларига мувофиқ таъминласин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ «Қишлоқ қурилиш инвест» ИКнинг ғишт заводлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган имтиёзли нархларда кўмир билан таъминланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК билан тузиладиган шартномаларига кўра намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жойларни қуриш учун «Ўзсаноатмашинпэкс» ДАТК томонидан республикада ишлаб чиқарилмайдиган ёғоч-тахта ва томга ёпиладиган металл тунукаларни 4-

иловага* мувофиқ ҳажмларда импорт бўйича олиб келиш таклифи қабул қилинсин.

8. «Ўзсаноатмашинпэкс» ДАТК 2013 йилнинг 1 январигача 4-иловага мувофиқ олиб келинадиган томга ёпиладиган металл тунукалар учун божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари), шунингдек улар «Қишлоқ қурилиш инвест» ИКга сотилганида импортга олиб келинган ёғоч-тахта материаллари ва томга ёпиладиган металл тунукалар қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ушбу қарорни амалга ошириш доирасида олиб келинадиган ёғоч-тахта ва томга ёпиладиган металл тунукаларнинг мақсадли ишлатилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

Белгилаб қўйилсинки, олиб келинадиган ёғоч-тахта ва томга ёпиладиган металл тунукалар мақсадга номувофиқ равишда ишлатилган тақдирда бўшайдиган маблағлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган жарима санкциялари қўлланилган ҳолда давлат бюджетига ундириб олинади.

(9-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 январдаги ПҚ-1902-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2013 й., 2-сон, 17-модда)

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 3 августдаги ПҚ-1167-сон қарорининг 5-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«сув таъминоти объектларини қуриш республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади»;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,

2012 йил 14 январь,

ПҚ-1687-сон